Ин... Гос. библиотека УзССР 300695

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 17 июнь, шанба. №72 (21.835.) Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

16 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Хироши Накажимани қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонга Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёни, соғлиқни сақлаш ва экология муаммоларини бартараф этиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди. Бу борада халқаро ташкилотлар, жумладан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлади.



СУРАТДА: қабул пайти.

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Хироши Накажима ўзи раҳбарлик қилаётган халқаро ташкилот Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга тайёр эканлигини айтиб бу борада амалга оширилажак ишлар яхши натижалар беради, дея умид билдирди.

Суҳбат чоғида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, Орол денгизи муаммосини ҳал этиш, республикада соғлиқни сақлаш соҳаси ва дори-дармон ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов иштирок этди.

Қабул чоғида БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Х. Малик ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги вакили Т. Хетланд ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

МУҲТАРАМ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг бугунги 1995 йил 8 июнда ўтказилган умумий мажлиси иштирокчилари Сизга Ўзбекистоннинг етук олимларига катта эътибор ва самимий муносабат билдираётганингиз, ҳамда буюк фан ва маданиятимиз равнақига кўрсатаётган ёрдамингиз учун бир овоздан теран миннатдорлик изҳор этадилар.

Хусусан, республика олимларига бўлган бу эътибор Ўзбекистон Фанлар академиясининг янги аъзоларини сайлаш вақтида янада яққол намоён бўлди. Янги Низом қабул қилингандан кейинги бу сайлов барча кўп миллатли фанимиз заҳматкашлари учун ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Умумий мажлис натижаларига кўра Ўзбекистон олимлари сафига 33 академик, 5 мухбир аъзо қўшилди. Сайланганлар орасида республикада яшовчи турли миллат вакиллари — ўзбек, рус, қорақалпоқ, уйғур ва грузинларнинг бўлиши республикамизда Сиз раҳбарлигингизда ўтказилаётган сиёсатнинг ёрқин ифодасидир.

Бугунги сайловни Ўзбекистонимизнинг илмий жамоатчилиги ҳали узоқ вақт эслаб юради. Олимларга бу каби чуқур ҳурмат, ўзаро тушуниш руҳидаги муҳит сайлов натижаларига уйғунлашиб кетди. Сизнинг таклифингиз билан тўрт нафар кўзга кўринган олим Фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига сайланиши умумий мажлис қатнашчиларини янада тўлқинлантириб юборди.

Умумий мажлис аҳли Сизнинг таклифингизни бир овоздан маъқуллади.

Биз Сизни ишонтириб айтамизки, бу эътибордан руҳланиб, Фанлар академияси олимлари Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлашга ва унинг равнақига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Ўзбекистон Фанлар академияси умумий мажлиси иштирокчилари Сизга мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистонимиз ривожи, халқимиз жипслиги ва тинч-тотувлиги йўлидаги ишларингизга зафарлар тилайди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси умумий мажлиси қатнашчилари номидан академиклар:

Ж. АБДУЛЛАЕВ,
И. ИСКАНДАРОВ,
И. МУСАБОЕВ,
Ё. ТЎРАҚУЛОВ,
Э. ЮСУПОВ,
В. ҚОБУЛОВ,
П. ҲАБИБУЛЛАЕВ,
И. ҲАМРОБОЕВ,
Х. ФОЗИЛОВ.

Расмий ташриф арафасида

Владимир СМЕТАНИН:

ДЎСТЛИГИМИЗ СЎЗДА ЭМАС, АМАЛДАДИР

Аввал хабар берилганидек, шу йилнинг 20-21 июнь кунлари Украина Президенти Леонид Кучма расмий ташриф билан Ўзбекистонга келади. Шу муносабат билан ЎзА мухбири Украинанинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Сметанин билан суҳбатлашди.

— Жаноб элчи, Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги дўстлик, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик узоқ йиллар давомида таркиб топиб келган. Бугун ана шу алоқалар қай даражада ривожланмоқда?

— Ҳаммамизга маълумки, собиқ Иттифоқ даврида мамлакатларимиз иқтисоди, халқ хўжалиги бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эди. Иттифоқ парчаланган, бу алоқалар узилиб қолди. Лекин, Украина билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларнинг тезкорлик билан йўлга қўйилишини даврнинг ўзи талаб этди. Шу боис, 1991 йили мамлакатларимиз ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Шундан сўнг ҳар икки давлат ўртасида турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ўнлаб ҳужжатлар имзоланди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1994 йили Украинага расмий сафари ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлидаги янги босқич бўлди. Мазкур ташриф давомида имзоланган давлатлараро ва ҳукуматлараро ҳужжатлар ҳар икки мамлакат томонидан бекаму кўст ижро этилмоқда. Бу эса мамлакатларимизнинг ўзаро тенг ҳамкорликка муштоқлигини кўрсатди.

Бироқ, фақат товар айирбошлаш жараёнларигина ўзаро муносабатларимизнинг асосини яратади, десак хато қилган бўлур эдик. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг ўта муҳим, стратегик аҳамиятга эга йўналишлари талайдир. Энг аввало, тарихий ва жўғрофий нуқтаи назардан қарасак, Украинанинг Европа марказида жойлашгани, қулай транспорт йўлларига эгалиги Ўзбекистон учун катта имкониятлар яратади. Ўзбекистоннинг қадим Туркистон заминида, Марказий Осиёдаги қулай минтақада жойлашгани эса сиёсий, иқтисодий ва бошқа қуплаб соҳалардаги ҳамкорлигимиз учун яхши шароит туғдиради.

Иккинчи жиҳатдан эса, мамлакатингизни марваридга қиёслаш мумкин. Ўзбекистондаги табиий бойликлар ва ўзбек халқининг меҳнатсеварлиги Украинанинг фан-техника соҳасидаги ютуқлари билан қўшилса, биз ҳамкорликда жаҳон бозорида, жаҳон иқтисодиётида ўзимизнинг муносиб ўрнимизни эгаллашимиз мумкин. Бугун Ўзбекистоннинг нефть ва ғалла мустақиллиги борасида эришаётган ютуқлари ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бундан ташқари, халқларимиз ўртасидаги тобора мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ришталари эса муваффақиятли ҳамкорлигимизнинг муҳим омили бўлади. Бизнинг ютуғимиз шуки, дўстлигимиз сўзда эмас, амалдадир. Мисол учун, яқинда украиналик машҳур академик Борис Патон бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга ташриф буюриб, турли корхоналарда бўлди. Уни ҳатто оддий ишчилар ҳам яхши билишар экан, қучоқ очиб кутиб олишди, дўстона суҳбатлашиб, ишлаб чиқариш бўйича турли буюртмалар беришди. Сафар якунида Ўзбекистон Фанлар академияси билан Украина Фанлар академияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат имзоланган эса ҳар икки мамлакат илму фани учун кенг уфқлар очиши шубҳасиз.

— Сизга яхши маълумки, бугун МДҲга аъзо мамлакатлар орасида ўзаро тўлов муносабатлари ҳал этилиши зарур бўлган масалалардан бири бўлиб турибди. Бу борада Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги аҳвол қандай?

— Дарҳақиқат, бугун ҳар икки мамлакат ишбилармонлари ва тадбиркорларининг оғирини енгил қилиш учун ўзаро тўловлар масаласини ҳал этиш зарур. Зеро, мамлакатларимиз тадбиркорларининг кенг фаолият кўрсатиши, ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги алоқалар янада равнақ топиши учун мазкур масала тезроқ ўз ечимини топиши керак. Шу боис Ўзбекистон — Украина қўшма банкларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ҳозирча эса Ўзбекистонда Украина, Украинада Ўзбекистон савдо уйларини очиш кўзда тутилган.

— Украина Президенти Леонид Кучманинг Ўзбекистонга расмий ташрифи давомида асосан қайси масалалар муҳокама этилади ҳамда мазкур ташриф икки томонлама муносабатларда қандай аҳамият касб этади?

— Ўзбекистон ва Украина давлатлари ҳар жиҳатдан бир-бирига мос шериклардир. Жаҳон ҳамжамияти ҳар икки давлатнинг тарихий-жўғрофий, иқтисодий-ижтимоий ўрни ва истиқболини яхши билади. Президент Ислом Каримовнинг Киевга ташрифи чоғида икки давлат ўртасидаги самарали ҳамкорликка пойдевор қўйилган ва у стратегик аҳамият касб этган эди. Бу эса ҳар бир соҳадаги ҳамкорлигимизнинг тўлиқ, мукаммал шаклда намоён бўлишини тақозо этади. Шу боис ўзаро ҳамкорликни янада равнақ топтириш ҳамда давлатларимиз ўртасидаги иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилиши лозим. Украина Президенти Леонид Кучманинг Ўзбекистонга расмий ташрифи ана шу жараённинг тезлашиши ва ҳамкорликнинг янги йўналишлари очилиши учун хизмат қилади.

М. МАМАТҚУЛОВ суҳбатлашди.

ҚАТЪИЙ ЧОРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Қорақалпоғистон Республикасининг Тахиатош шаҳрида рўй берган пенсия тўғрисидаги қонунни бузиш каби ҳолларни бартараф этиш ҳамда аҳолига бериладиган тўловларни ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирларига бағишланган йиғилиш бўлди.

Йиғилишга республика тижорат банклари ва Ўзмарказбанкнинг вилоят бошқармалари раҳбарлари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси Файзулла Муллажонов ва йиғилиш қатнашчилари Тахиатош шаҳрида пенсияларни ғайриқонуний тарзда беришга уриниш ҳодисасига принципиал баҳо бердилар. Нотиқлар банклар томонидан бундай операциялар ўтказиш Марказий банкнинг тегишли норматив ҳужжатларига зид эканини таъкидладилар.

— Шу йилнинг ўтган беш ойи давомида Қорақалпоғистон Республикасига эмиссия пули белгиланганидан ортиқ берилганига қарамасдан, бу ерда кечиктирилган иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдори кўпайиб бормоқда, — деди Ф. Муллажонов. — Нақд пул тушумлари режалари муттасил равишда бажарилмаяпти, савдо ва пулли хизмат шохобчалари ривожланмаган, аҳоли пулларини банклардаги жамғармаларга жалб қилиш йўлга қўйилмаган.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди. Унда жойларда банклар томонидан операцияларнинг қонунийлигини таъминлаш, пенсия, иш ҳақи ва бошқа тўловларни ўз вақтида аҳолига етказиш, банк муассасалари раҳбарлари таркибини мустаҳкамлаш ва нақд пул муомаласини барқарорлаштириш чоралари белгиланди ҳамда тартиб-бузарликларга йўл қўйган раҳбарлар ўз вазифасидан четлатилгани маълум қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси Абдурауф Аҳадов нутқ сўзлади.

Й. ТОЖИБОЕВ, Ўзмарказбанк матбуот хизмати раҳбари. (ЎзА).

Ислоҳот одимлари

БАРХАНЛАР ОРТИДАГИ ЖАСОРАТ

Бундан икки йил илгари қуш учса қаноти, одам юса оёғи куядиган, кўчиб юрувчи қум барханларидан иборат бўлган Қоровулбозор сахросида нефтни қайта ишлайдиган йирик завод қурилармиш, деган гапга кўпчилик ишонмаганди.

Сахрои Кабирдан қолишмайдиган бу асов чўлнинг феълини бухороликлар яхши билишади. Бугун ана шу Қоровулбозорда нефть маҳсулотларини қайта ишлаш заводи қурилиши тугалланиш арафасида. Завод қурилишига раҳбарлик қилаётган Анвар Ражабовнинг таъкидлашича, дастлаб чўлга 5 та вагон-уй олиб келиниб, ишлаш учун шароит яратилган. Барханлар ортидаги ҳаётнинг ўзига хос қийинчиликлари бор. Табиатнинг ўжарлиги — бир қарасанг тўзон кўтарилади, бир қарасанг осуда, тинч сароб жимирлайди.

Завод қурилишига пойдевор қўйиш шунчаки хамирдан қил суғургандек кўчмади. Чунки чўл қуминнинг остига нима яширинганлигини геологлардан бўлак ҳеч ким билмайди. Ковлагич техникасининг ковушига гоҳ харсанг тошлар илинар, гоҳ гипсга дуч келинарди. Пойдевор учун жойларни ана шу тош ҳамда гипсдан тозалаш минг машаққат. Пойдевор ётқизиш ишлари айрим ерларда шу боис чуқурлиги 5 метргача етди. Хуллас, яйдоқ чўл уйқусини қудратли техника наъраси, инсоннинг салобатли қадами бузди. Ҳаловатсиз кун ва тунлар эвазига қурувчиларнинг ишлари юришиб кетди.

—Ҳамиша ҳам бошланишда қийин бўлади, — дейди биз билан суҳбатда «Бухоронефтсавдо қурилиш» трестининг бош муҳандиси Равиль Халиулин. — Ҳаммасига матонатли меҳнатни қарши қўйдик. Мана қийинчиликларнинг анчаси ортда қолди. Ўтган икки йилда катта бунёдкорлик ишлари бажарилди. Кўқдумалоқ газ конидан конденсатни заводгача оқизадиган 94 километрли қувур қурилди. Хом ашёни сақлайдиган ҳар бири 5000 тонна куб сиғимли 2та резервуар; узунлиги 330 метр масофага чўзилган эстакада бунёд этилди. Бу эстакада корхонанинг энг йирик бўғини. Эстакада бир йўла 54 та вагонни узоғи билан икки ярим соатда ёнилғига тўлдиради. Газ конденсатини резервуарлардан вагонларга ортишда фойдаланиладиган насос станцияси, сув сақланадиган ҳар бири 3,3 минг куб сиғимли 2 та омбор, ёнғинга қарши насос станцияси, 9 километрли сув қувурининг қисқа муддатда бунёд этилиши қаҳрамонликдир. Хом ашёни ташиш ва жўнатиш учун 20 километр узунликдаги темир йўл тортилишичи? Муҳандислик коммуникациялари, энергия таъминоти масалалари ҳал этилиши бугунги кунда асқотяпти.

Биз завод қурилиши майдонида бўлганимизда чўл шамоли қутурган эди. У ширасиз қумларни аямасдан опичлаб, қурувчиларнинг юз-кўзларига урарди. Шунга қарамай ҳамма ўз иши билан банд. Шу куни катта тантананинг шоҳиди бўлдик. Қуриб битказилган эстакада фойдаланишга топширилди. Шу ўринда таъкидлашимиз керакки, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини хом ашё билан узлуксиз таъминлаш бу ерда ишлаётганларнинг ҳам бурчи. Шу боис эстакададан фойдаланишга эҳтиёж туғилганди. Чунки Кўқдумалоқ конларидан қазиб олинаётган хом ашёни эндиликда қувурлар орқали Қоровулбозорга — нефтни қайта ишлаш заводининг эстакадасига олиб келинади. Ана шу ердан қимматбаҳо хом ашёнинг дастлабки тонналари Фарғонага жўнатилади.

— Бугунги тантанани узоқ кутгандик, — дейди 1-қурилиш-монтаж бошқармаси бош муҳандиси Раҳматжон Акбаров. — Бунёд этилган эстакада орқали маҳсулот жўнатилиши биз учун муҳим синов бўлди. Мен завод қурилишнинг дастлабки куниданоқ шу ердаман. Бошқармамизда жамоамиз ер ишларини бажаришдан тортиб, темир йўл қурилишида, қувурлар тортиш, эстакадани монтаж қилиш, сиғимларни ўрнатиш — ҳаммаҳаммасида фаол қатнашдилар.

Ҳа, трестнинг ҳар учала қурилиш бошқармаси бунёдкорлари, қўшни вилоятлардан кўмакка келган қурувчиларнинг меҳнати, уларнинг саҳродаги қаҳрамонликларидан асло кўз юмиб бўлмайди. Айни пайтда ҳам қурилишда 400 дан зиёд техника-механизм, 2,5 мингдан зиёд ишчи ишлаяпти. Бир томонда тупроқ ишлари бажарилаётган бўлса, иккинчи томонда заводда ишловчилар учун жаҳон мезонлари талабларига жавоб берадиган йирик посёлка қурилиши давом этмоқда. Ишчиларга ҳар томонлама қулайлик яратилган. 1200 ўринли ётоқхона, ошхона, дўкон ва бошқа хизмат кўрсатувчи шаҳобчалар қурилишда банд бўлганлар ихтиёрига бериб қўйилган. Ичимлик сув, табиий газ ҳамма-ҳаммаси муҳайё. Овқатланиш текин.

Уч юз гектар майдонни эгаллайдиган бу корхона чўлда жойлашгани учун вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари атрофни зарарсизлантиришнинг чора-тадбирларини кўрмоқдалар. Ишчилар тиббий кўрикдан ўтказиляпти. Яқин орада бу йирик завод жумҳуриятимиздагина эмас, балки ҳамдўстлик мамлакатларида ягоналиги билан фарқ қилади

Эрта-индин замонавий ускуналар хориждан олиб келтирилади. Уни французлар қуришади. Қурилиш ниҳоясига етгач, завод ҳар йили 5 миллион тонна нефтни қайта ишлаш қувватига эга бўлади. Мутахассисларнинг фикрича, қайта ишлаш йўли билан бир неча турдаги нефть маҳсулотлари ҳам олина бошлайди. Маҳсулотлар сифат жиҳатидан юқори ўринда туради.

Заводнинг айнан Бухоро вилоятида қурилиши бежиз эмас. Чунки хом ашё конлари беҳисоб. Улар билан корхона ўртасидаги масофа яқин. Сув, газ, электр қуввати, ишчи кучида муаммо сезилмайди. Бир неча минг киши иш билан таъминланишини айтмайсизми? Шу боис ҳозирданоқ малакали мутахассислар тайёрлашга эътибор бериляпти. Бухоро ва Фарғона шаҳарларида ёшлар ўқитиляпти. Келгуси йилнинг охирларида дастлабки маҳсулот берадиган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи Президентимиз таъкидлаганларидек, республикамиз иқтисодиёти таянчи бўлиши шубҳасиз.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

МАСЛАҲАТЛАШИБ ОЛИШДИ

Ўзбекистон ХДП Чирчиқ шаҳар кенгашида бошланғич партия ташкилотлари котибларининг партия ички ҳаёти ва фаолиятига оид муаммоларни ҳал этишга бағишланган семинарларини ўтказиб туриш анъанага айланган. Кеча бу ерда ана шундай анжуманларнинг навбатдагиси бўлиб ўтди. У «Бошланғич партия ташкилотлари: фаолликни ошириш муаммолари» мавзуига бағишланди.

Ушбу мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловдан сўнг мамлакатимизда қарор топган янги ижтимоий-сиёсий вазиятда Ўзбекистон ХДП, унинг ташкилотлари ўрни ва долзарб вазифалари хусусида ўзаро фикрлашиб, бу борада тўпланган иш тажрибалари ҳамда ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳақида атрофлича гаплашиб олинди.

Семинар иштирокчилари асосий диққат-эътиборни мавжуд камчиликларни бартараф этиш, ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари ишини яхшилаш, республикамиз раҳбарияти олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни, туб ислоҳотлар моҳиятини ҳар бир фуқарога чуқур тушунтиришга доир фаолиятларини янада такомиллаштириш лозимлигини қайд этиб ўтдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ОНА ВАТАН: ҲЕЧ БЎГУН ЭРТАГА

Кишлоқ хўжалиги

АНДИЖОННИНГ «КУМУШ ТОЛА»СИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг тўрт йиллигига муносиб меҳнат ютуқлари тайёрлашга ҳаракат қилаётган Андижон вилояти пилла-корлари катта ғалабани қўлга киритдилар.

Қабул пунктларига 3094 тонна юқори навли ҳосил топширилиб, шартнома бажарилди. 52 минг қути ипак қурти агротехника талаблари асосида парвариш қилиниб ҳар қутисидан ўртача 60 килограммдан пилла олинди.

Эришилган ютуққа пилла тайёрлаш топширигини вилоятда биринчи бўлиб бажарган Комсомолобод, ҳар қутисидан 66 килограммдан «кумуш тола» топширган Марҳамат ва Балиқчи туманларининг миришкор пилла-корлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Вилоятда пилла териш ва топшириш давом этмоқда.

Аҳмадилла СОЛИЕВ.

Саноат

ЧИРЧИҚ ТРАНСФОРМАТОРИ

Чирчиқ трансформатор заводи маҳсулотлари республикамиз металлургия, нефтни қайта ишлаш, темир йўлларни электрлаштириш, қоғоз ишлаб чиқариш ва бошқа халқ хўжалиги соҳаларида муваффақиятли қўлланилмоқда.

Завод директори республика Олий Мажлиси депутати Р. Саримсоқовнинг таъкидлашича, Россия, Украина ва Қозоғистоннинг кўпгина заводлари билан ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилгани ислоҳот талабларини бажаришда жуда қўл келмоқда. Чунончи, заводда жорий йилнинг биринчи чорагида белгиланганидан 12 миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Сим ўраш ва магнит симлар тайёрлаш, пайвандлаш, ёрдамчи станцияларни йиғиш каби цехлар жамоалари муттасил муддатдан ўзиб меҳнат қилмоқдалар.

Абдунаби МАННОПОВ.

Дон — ризқ-рўзимиз

ҲОСИЛ ЧЎҒИГА ҚАРАБ

Пахтачи туманидаги Шамси Назаров номли ширкатлар уюшмаси ғаллакорлари 505 гектар суғориладиган майдонда мўл ҳосил етиштирдилар.

Дарвоқе, 65 гектар майдондаги арпа ҳосили қисқа муддатда йиғиштириб олинди. Ҳосилдорлик 43 центнердан ошиб кетди. А. Хўжаев, З. Дўстмаматов, Э. Ҳурматов, Ж. Мустафоев каби комбайнчилар бу ишни қисқа муддатда амалга оширдилар. Бугун эса буғдой ҳам йиғиштириб олиняпти. Миришкорлар буғдой ҳосилдорлигини 45 центнерга етказиш ниятида. Бунинг учун имконият ва шароит етарли.

Ғалла йиғиштириш билан шуғулланувчиларга бир қоп ун, 20 килограмм гуруч, 10 килограмм мой, шунингдек, шакар, совун ва турмуш учун керакли бошқа нарсалар берилди. Бундан ташқари ҳосилнинг чўғига қараб ширкат аъзолари ва комбайнчиларга натура «маоши» ҳам берилади.

Ўткир ПЎЛАТОВ.

Кичик тўп

ЯНА БИР ЎЙИНГОҲ

• ҚАШҚАДАРЁ. (мухбиримиздан). Вилоят марказида халқаро талабларга мос теннис ўйингоҳи қурилмоқда.

«Геолог» футбол ўйингоҳи ёнида тўрт гектарли майдон ажратилиб, қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Теннис майдончаларини 19-агроқурилиш трести бунёдкорлари ўз зиммасига олишган. Бош пудратчилик ишларини 242-қурилиш участкаси азаматлари уддаламоқдалар.

Ғози РАҲМОН.

ПИШИҚ – ПУХТА РЕЖАЛАР

Қамаши туманидаги «Дон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Ғаллакор» жамоа ширкат хўжалигида сара уруғлар тайёрланади. Хўжалик бошланғич партия ташкилоти котиби Суюн Ҳақназаров асли иқтисодчи эмасми, режалар ва уларнинг натижасини батафсил изоҳлаб берди.

— Биз улкан ўзгаришлар, кенг қамровли ислоҳотлар даврида яшаяпмиз,— дейди у. — Эндиликда пишиқ-пухта режалар, уларнинг амалдаги ижросига қўпроқ эътиборни қаратиш керак. Хўжалик бошланғич партия ташкилоти айнан шундай йўл тутяпти.

— Ташкилот хўжалик ишларига қандай кўмаклашяпти, ҳар ҳолда маслаҳат ва кўрсатмалар билан чекланиб қолмаётгандир?

— Биласизми, жамоа меҳнат аҳли мулкни ўз қулига олган. Дон ва чорва маҳсулотларини кўпайтириш борасида астойдил меҳнат қилаётган ташкилотимиз аъзолари олдида янги вазифалар турибди. 172 нафар аъзомиз бор. Уларнинг ҳаммаси ўзлари меҳнат қилаётган жабҳаларда ўрнак кўрсатиш билан бирга хўжаликда талбиркорликни йўлга қўйиш, ижтимоий муҳофаза, экинлар ҳосилдорлигини оширишда ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Янги иш ўринлари яратиш, кичик корхоналар тузишга эътиборни қаратяпмиз. Ҳозир маиший хизмат, қурилиш ва ҳунармандчилик билан шуғулланаётган 11 та кичик корхона ишлаб турибди.

Бошланғич партия ташкилотининг котиби хўжалик иқтисодининг бошқа тармоқлари, хусусан, қўйчилик ҳақида алоҳида тўхталди. 35 минг бош қўйнинг 17 минги совлиқ. Тўл мавсуми намунали ўтказилиб, ҳар юз бош совлиқдан 105 бошдан кўзи олишибди. Ишни манфаатли асосда ташкил этиш, одамларга ғамхўрлик ютуқларнинг бош омили бўлмоқда. Хўжалик раҳбарияти, бошланғич партия ташкилоти ҳамкорликда тузган тадбирларда рағбатлантиришнинг ҳаётий шартлари белгилаб чиқилган.

— Қишлоқ хўжалиги ривож топмаган мамлакатнинг бели бақувват бўлмайди,— дейди хўжалик раҳбари Раҳматулло Омонов суҳбатимизга қўшиларкан. — Ғалла мустақиллиги учун кетаётган кураш-юрт, халқ тақдиридир. Вақти келадики, ўзимизни дон билан тўлиқ таъминлаб, четга чиқара оламиз. Ҳув, ана шу яшнаб турган далаларда донгина эмас, нондек ширин орзуимиз қулф урябти.

Ўтган йили 1000 тонна дон арзон нархларда жамоа аъзоларига сотилди. Улар 2 тоннадан сомон ҳам олишди. Хўжаликда яшайдиган бирор киши етиштирилган дондан бебаҳра қолмади. Меҳнат ва уруш фахрийларига имтиёзли нархларда берилди. Иқтисодий қийинчиликлар даврида ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар одамларда кўтаринки руҳ пайдо қилмоқда. Хўжалик бошқаруви, ХДП бошланғич ташкилоти олиб бораётган ибратли ишлар натижасида жамоа иқтисоди ўнгланиб бормоқда. Бу келажакка ишончли кафолотдир.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХДП ҳаётидан

МУНОСИБЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Партия билетини олган куним умримнинг энг қувончли кунларидан бири бўлиб қолди. Жамоа хўжалигимизда «Ўзбекистон овози» газетаси юбилейига бағишланган йиғин бўлганди ўшанда. Маҳалламиз йигит-қизларининг тўйи бу тантанага уланиб кетди. Шу топда мен сингари тақдирини партия билан боғлаган кўпчиликка аъзолик билиетлари тантанали топширилди.

Мен учун ўша куннинг эътиборли томони шундаки, ХДП аъзолиги билетини олганлар қаторида ўглим ҳам бор эди. Ота-бола партиядош бўлишимиз ўзига хос қувонч бахш этди.

Халқимиз ҳар бир ишнинг бошланиши яхши бўлса, охири бахайр бўлади, дейди. Мамлакатимиз мустақиллик йўлидан бораётган ҳозирги пайтда ҳар биримиз юрт равнақи учун ҳисса қўшишга ҳаракат қилишимиз керак.

Қишлоқ ва маҳаллаларимизда ўтказилаётган турли тадбирларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари зиммаларидаги топшириқларни виждонан бажармоқдалар. Нурафшон кунларнинг пойдевори тез ва мустаҳкам яратилмоқда.

Турсунбой ТЕШАБОЕВ,
Шаҳрихон туманидаги «Найнаво» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси.

ХАРИДОР ЯХШИСИНИ ИЗЛАЙДИ

Тадбиркорлар бор бўлсин

— Даврнинг талаби бизни тадбиркорлик билан ишлашга ундаяпти,— дейди Жиззах пайпоқ тўқиш корхонаси раҳбари Эркин Қобилов. — Президентимизнинг кўрсатмасига биноан маҳсулотимизни жаҳон мезонлари даражасида тайёрлашимиз керак. Зеро, биз чиқараётган пайпоқлар ҳам харидоргир бўлсин!

Жамоа изланувчанлиги туфайли ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари анча кўпаймоқда. Ҳозир корхонада пайпоқдан ташқари хотин-қизлар халати, гилам ва палос тайёрланмоқда. Корхона тўлиғича чиқитсиз технология асосида ишлайди.

Корхонада бир ярим минг нафардан зиёд ишчи меҳнат қилади. Босқичма-босқич бозор шароитига ўтишда уларнинг талабини қондириш жиддий муаммоларни келтириб чиқаряпти. Ишчиларни турар-жойларидан автобусларда олиб келиш қимматга тушяпти. Бу эса ўз навбатида маҳсулот таннархига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам уй шароитида маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди. Корхонада йиғилиб қолган 55 тонна хом ашё уйда меҳнат қилувчиларга тарқатиляпти.

— Бир нарсага ҳайронман. Тўғри Хитойдан келтирилаётган пайпоқлар харидоргир. Ачиқ ҳақиқатни айтаман, маҳсулотимиз ҳали рақобатдан анча орқада. Сифати яхши бўлгани билан Хитой пайпоқлари каби рангдор эмас, харидор биринчи галда унинг чиройига қарайди. Шунинг учун масаланинг бу томонини ҳам ўйлашимиз керак, — суҳбатга қўшилади — корхонанинг иккинчи цех бошлиғи Эгамберди Эргашев. — Ҳозирги харидорни лақиллатиб бўпсиз, қиммат бўлсаям яхшисини олади. Шуни унутмаслигимиз керак. Ахир, бозорларимиз жаҳонга ўз бағрини очиб турибди-ку! Энди чинакам рақобат керак.

Корхонада 15 хил пайпоқ ишлаб чиқарилмоқда. Йил охирига бориб, унинг турлари янада кўпаяди. Ҳозир биз «Маҳсулот сифатига — ишчи кафолати» шиори остида ишлаяпмиз.

Жиззах пайпоқ тўқиш корхонаси иш бошлаганига етти йил бўлди. У республиканинг тажрибали корхоналари билан беллаша оладиган даражада. Ҳамдўстликдаги давлатлар, юксак ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорлик қиляпти. Шартнома асосида маҳсулот айрибошлаш йўлга қўйилган. Корхона ҳаётида ҳали муаммолар оз эмас. Аммо жамоа қаловини ҳам топиб боряпти.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТЎПЛОВЧИ ВА ТЎЛОВЧИ МУНОСАБАТЛАРИ

Солиқ хизматида нима гап?

Иқтисодий ислоҳотлар ғилдираги жадал айланиб кетган, мулкчилик муносабатлари кескин ўзгариб бораётган бир пайтда диққатимизни биз асосан бир нарсага — солиқ тўпловчилар билан тўловчилар ўртасидаги муносабатларнинг самимий, қонуний шаклланишига қаратяпмиз. Вақти-вақти билан ўтказилаётган кенгашларда бу борадаги тажрибаларимиз оммалаштириляпти. Жойлардаги солиқ назорати идоралари замонавий компьютерлар билан таъминланмоқда. Ушбу идораларда тезкор «Искра» телефон силсиласи ўрнатилди. Ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг бюджет билан алокасини назоратга олиш маблағларнинг ўз вақтида бюджетга ўтишини таъминлаш ва тўлов муддатларини кечиктиргани учун устама ҳисоблаш ишларини амалга ошириш борасида истиқболни белгилаш бўлимлари ва бошқа тегишли идоралар билан ҳамкорлик яхшиланиб боряпти.

Лекин ҳамон солиқ йиғиш — бу фақат солиқчиларга тааллуқли иш, деб қараш умумий ишимизга салбий таъсир кўрсатяпти.

Шу ўринда жорий йилдаги айрим манзараларга назар ташлаймиз. Денов арақ- вино ишлаб чиқариш корхонаси спирт маҳсулоти етишмаслиги сабаб бўлдими, ё баҳонами, 1994 йилда ишлаб чиқариш режасини барбод қилди. Натижада корхона бюджетга оз эмас, кўп эмас, 7 миллион 624 минг сўм акция солиғини туширолмади. Бу йил ҳам корхонанинг ишлари хурҳун, қолоқлик давом этмоқда. Жамоа бюджет олдидаги мажбуриятларини бажармаяпти. Имкониятлардан яхши фойдаланмаяпти. Иқтисодий ислоҳот чиғириғида ўзини ўнглаб ололмаяпти. Умуман, Денов туманида жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар, транспорт воситалари эгаларидан олинадиган солиқлар бўйича жиддий камчиликлар кузатиляпти. Бундай ҳолатда солиқ идораси тутадиган йўл маълум: қонунбузарларга жарима солади, маъмурий жазолар белгилайди. Ишни атрофлича кўрмоқ учун тегишли органлар диққатига ҳавола қилади. Масалан, Денов шаҳар солиқ назорати идораси ҳуқуқий шахсларни солиққа тортиш бўлими 36 та корхона ва ташкилотда солиқ тўловларининг тўғри ҳисобланиши ва уни бюджетга вақтида ўтказилиши бўйича текшириш ўтказганда бир миллион 263 минг сўм қўшимча солиқ ва молиявий жарималарни қўллашга мажбур бўлди. Шаҳар «Коопсавдо» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятининг Ж.Худойшукуров мудир бўлмиш 37-дўконида 8517 сўмлик ошиқча мол борлигини аниқлади.

Айрим ҳолатлар эса бундан ҳам хунук. Вилоят балиқчилик комбинати реализатор-ҳайдовчиси К.Қурбонов комбинатнинг биринчи қўли бошлиғи М.Норалиевдан 1774 килограмм тирик балиқни қабул қилиб олган ва шунинг 632 килограммини Чўпоновга ҳужжатлаштириб топширган. Қолган 14700 сўмлик 1142 килограмм балиқ қаерда қолди, деб сўрасангиз, К.Қурбонов елка қисади.

Термиз шаҳридаги «Шарқ» меҳмонхонаси маъмуриятининг «ҳотамтой»лиги эса балиқчиларнинг «паришонхотирлиги» дан ҳам ажабланарли. Бир қарасангиз, айрим меҳмонлардан ижара ҳақининг ярми олинган бўлса, яна бир қарасангиз, 2772 номерли ёрлиқ билан ижара ҳақини тўлаган меҳмоннинг номи қайд қилиш дафтарига киритилмаган бўлиб чиқади. Ёки фалон хона фалон бир кишининг номига ҳужжатлаштирилган бўлади-ю, аслида ўша ерда мутлақо бошқа бир одам истиқомат қилиб турган бўлади.

Меҳмонхона омборхонага айлантирилган. Идорамиз ходимлари текшириш ўтказган кунлари 9-хонада 8 дона «Юность» телевизори, 500 дона дазмол, 4-хонада 80 дона, 25-хонада 68 дона, 5-хонада 63 дона, 30-хонада 90 дона телевизор, кўплаб бошқа қимматбаҳо моллар сақланаётганининг гувоҳи бўлдилар.

Даромадларни яшириш, солиқ тўлашдан шу йўл билан бўйин товлаш тизимимиздаги энг ташвишли ҳолатлардан бўлиб қолмоқда. 257-хўжаликлараро қурилиш ташкилоти раҳбарияти 34 минг сўм даромадни ва 15 минг сўм қўшимча даромад солиғини яширган. Касалини яширсанг, иситмаси ошкор қилади, дейдилар. Ташкилот раҳбарлари Ж.Насимов ва Н.Дўстқуловлар бу «пухталиклари» учун «сийлов» олдилар. Ўзи қуриб олган тегирмони, бирон майда цехи ёки жувози ҳақида вақтида тегишли жойни хабардор қилишни «унутган»лар ўз йўлига, ҳатто, гектарлаб ерларни яшириб ўтирганлар аниқланди. Жумладан, биргина Хўжаикон туз конида 57 гектар ер ҳисобга киритилди ва ундан солиқ ундириладиган бўлди.

Саҳобалардан бири ибн Умар ривоят қиладиларки, Муҳаммад пайғамбаримиз, беш ёмон хислат борким, уларни ораларимизда бўлиб қолишимиздан ва уларга дучор бўлиб қолишингиздан, э, аҳли мўмин, Оллоҳдан паноҳ сўрайман, деганлар. Шулардан бири закот бермаслик. Закотдан бош ўгирганлар гўё осмондан ёғадиган ёмғирни ман қилмоқчи бўлган каби гуноҳга ботадилар. Агар жониворлар ва бошқалар бўлмаса, закотдан қочганларнинг устидан осмондан ёмғир ҳам ёғмас экан.

Бу гапдан энди мен, солиқсавоб, солиқ — бурч, Ватаннинг, жамиятнинг қуввати, деган маънолар келиб чиқади деб ҳижжалаб тушунтириб ўтирмоқчи эмасман. Фақат бу гапни келтириш билан, юқорида айтганим, солиқ йиғиш фақат солиқ тўловчиларнинг иши эмаслигини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Бахтиёр ЖЎРАЕВ,
Сурхондарё вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

РИВОЖЛАНГАН ЕТТИ ДАВЛАТ УЧРАШУВИ

ГАЛИФАКС. 15 июнь куни Канаданинг ушбу маъмурий марказида жаҳондаги энг ривожланган етти мамлакат давлат ва ҳукумат раҳбарлари учрашуви бошланди. Россия Президенти Б. Ельцин ҳам иштирок этаётган бу учрашувда замонамизнинг энг йирик иқтисодий ва долзарб сиёсий муаммолари муҳокама қилинмоқда.

ҚАРЗНИ ҚИСҚАРТИРИШГА ДАЪВАТ

ЖАКАРТА. Индонезия «шимолдаги» ривожланган етти мамлакат раҳбарларини ривожланаётган «жануб» мамлакатлари қарзларини қисқартиришга даъват этади. Индонезия Президенти Сухартонинг «катта еттилик» раҳбарлари учрашувида раислик қилаётган Канада Бош вазири Жан Кретьенга мактубида ана шу ҳақида гап боради. Қушилмаслик ҳаракатига раислик қилаётган Индонезия унга аъзо бўлган 112 давлат номидан ушбу даъватни билдирган.

ШАРТНОМА КЕЛАСИ ЙИЛ ТАЙЁР БЎЛАДИ

ПЕКИН. Хитой Франциянинг ядро синовларини давом эттириш ҳақидаги қарорини «инобатга олди», деди ХХР ташқи ишлар вазирлиги вакили. Хитойлик дипломатнинг таъкидлашича, айни пайтда Женевада манфаатдор томонлар иштирокида ядро синовларини бутунлай тақиқлаш ҳақидаги шартномани тузиш юзасидан фаол иш олиб борилмоқда. Бироқ, бу шартнома 1996 йилда тайёр бўлиши кутилаётир.

КУННИНГ ИСИШИ— КИШИЛАР ЎЛИМИГА САБАБ БЎЛМОҚДА

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий ва марказий ҳудудларида майнинг ўрталарида куннинг ниҳоятда исиб кетиши айни пайтгача 318 кишининг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлди. Сунгги икки ҳафта ичида ҳаво ҳарорати 44 даражадан пастга тушган йўқ. Айрим туманларда эса ҳарорат 50 даражагача кўтарилди. Аҳоли энг кўп яшайдиган Уттар-Прадеш штатида — 119 киши ҳалок бўлди.

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗИНИНГ ҚОТИЛЛИГИ

БОГОТА. Ҳакам Хорхэ Гомес Велес ўн кундан сўнг Колумбия терма командаси футболчиси Андрес Эскобарнинг қотилига нисбатан ҳукм эълон қилинишини айтди. Қотил — Умберто Муньос Кастро ўтган йилнинг 2 июль куни А. Эскобарни отганини тан олди.

Андрес Эскобар Мендельин шаҳарчаси яқинидаги ресторандан чиқаётган пайтда отиб ўлдирилган эди. У бир неча кун муқаддам 1994 йилги жаҳон чемпионатида АҚШ терма командаси билан учрашув чоғида ўз дарвозасига тўп киритиб қўйди. Бунинг оқибатида колумбияликлар 1:2 ҳисобида ютқазиб, гуруҳда сўнгги ўринни эгаллашди. Бу ҳол футболнинг ашаддий ишқибози бўлган Муньос Кастрони қотилликка ундади. Энди у 30-40 йил қамоқ жазосига ҳукм қилиниши эҳтимолдан холи эмас.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

КУННИНГ НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

ХОТИН-ҚИЗЛАР КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

ҚЎНҒИРОТ. Туман хотин-қизлар кенгашининг навбатдаги пленумида ташкилий масала кўрилди. Г. Б. Ҳван бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан туман хотин-қизлар кенгаши раиси лавозимидан озод қилинди. Пахта тозалаш заводида бухгалтер-экономист бўлиб ишлаётган Гулжан Иембергенова Қўнғирот туман хотин-қизлар кенгаши раиси этиб сайланди. Пленумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири муовини, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси муовини, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Г. Аннақиличева, туман ҳокими А. Римов ва бошқалар қатнашдилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВЕКСЕЛДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИЛАДИ?

ҚАШҚАДАРЁ. Маълумки, куни кеча «Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида векселларни қўллаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинган эди. Мазкур қарорнинг бажарилишида дастлабки тадбир ўлароқ вилоят ҳокимлигининг мажлислар залида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари Р. Насимов бошқарди. Унда сўзга чиққан вилоят марказий банкининг бошлиғи Э. Туробов, вилоят молия бошқармасининг бошлиғи Й. Аноров мазкур қарорнинг аҳамияти ва уни ижро этишда қўриладиган чора-тадбирлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

И. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲУНАР МАСКАНИ

РЕСПУБЛИКА «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг Сайхунобод туман бўлими қошида тезкор гуруҳ университети иш бошлади. Яқинда ҳамширалик, ҳисобчилик, тарбиячилик, тикувчилик каби пуллик курсларни тугатган ёшларга диплом берилди.

— Турли сабабларга кўра касб сирларини эгаллай олмаган қишлоқ ёшларини бу ерга жалб этиб, қисқа фурсат ичида хилма - хил мутахассисликлар буйича билим бердик, — дейди дорилфунун раҳбари Анас Тўраев.— Уларни синаб кўрганимизда бизнинг талабаларимиз 2-3 йиллаб билим юртлари ва техникумларида ўқиб келганлардан назарий ва амалий жиҳатдан асло қолишмайди.

Ҳақиқатдан ҳам, буни тадбиркорлик деса бўлади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида қобилиятли қишлоқ ёшларининг узоқ жойларга бориб ўқиб бирор касб эгаси бўлиши осон эмас. Бу борада ибратли иш олиб бораётган сайхунободликларнинг ташаббусини ҳар қанча қўллаб - қувватласа арзийди.

Н. АЛМУРОДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУҲИМ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

БУХОРО шаҳрида жиноятчиликнинг олдини олиш масаласига бағишлаб семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда ҳокимлар, ички ишлар идоралари, жамоат бирлашмалари, диний муассасалар вакиллари иштирок этдилар.

Семинар-кенгашни Бухоро вилоятининг ҳокими М. Мавлонов очди. Сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари Б. Парпиев «Ички ишлар идораларининг жиноятчиликнинг олдини олиш борасида бугунги кундаги долзарб вазифалари» ҳақидаги маърузасида мамлакатимиз ички ишлар идоралари олиб бораётган ишлар ва эндиликда бажарилиши зарур бўлган тадбирларга атрофлича тўхталди.

Семинар-кенгаш икки кун давом этди.

Р. МАҲМУДОВ,
милиция капитани.

ОЛТИН ТЎЙ МУБОРАК!

Машҳур халқ селекционери, лимончилик академиги Зайниддин ҳожи Фахриддиновнинг хонадонига мамлакатимизнинг барча вилоятларидан, туманларидан табрик телеграммалари ёғилиб кетди. Боиси, Зайниддин ҳожи билан Шарифа ҳожи онанинг турмуш қуришганига 50 йил тўлди. Кексалик гаштини сураётган отахону онахонимиз 10 фарзандни тарбиялаб, вояга етказдиларки, бу уларнинг ижтимоий меҳнатда эришган камолот чўққисидан зарача кам эмас. Олтин тўй арафасида ҳожи отанинг фарзандларига айтаётган ўгитларини эшитиб қолдик. Уларни таҳрир қилмасдан шундоққина оқ қоғозга кўчирдик.

• Инсондан фақат яхшилик қолиши керак. Айни пайтда яратувчилик, меҳнатга муҳаббат ортимизда қолаётган авлодларимизга ўтсагина бурчимизни бажарган ҳисобланамиз.

• Ҳаётда қолдираётган изларим — яратган боғларим, ишларимни давом эттираётган шогирдларим.

• Умримнинг мевалари — фарзандларим, меҳнатим мевалари — шифобахш неъматларимдир.

• Фақат яхшиликни, арзимас бўлса-да яхшиликни раво кўринглар, ёмонликнинг оти қурсин.

• Уч марта муборак Ҳаж сафарига бордим. Оллоҳнинг бу иноятн бошқаларга ҳам насиб эттган бўлсин.

• Дарахт меваси шохида, инсон меваси ақлида.

• Ҳаётда ҳалол, пок яшашдан кўра улуғроқ бахтни излаш нодонликдан бошқа нарса эмас.

СУРАТДА: таниқли халқ селекционери Зайниддин ҳожи ФАХРИДДИНОВ ва Шарифа ҳожи она фарзандлари даврасида.

Зайниддин ҳожи ўгитларини Норбобо ШАКАРОВ ёзиб олди.
М. ПЕНЬСОН олган сурат.

Фармон ва ижро

ОБИ ҲАЁТ ЕТАКЛАЁТГАНЛАР

Наманган бундан чорак аср илгари аҳолиси юз эллик мингдан сал ошган, ўртамиёна шаҳар эди. Сўнгги йиллар мобайнида у ҳам энига, ҳам бўйига кенгайиб кетди. Мингчинор, Нуробод, Ахсикент, Оромгоҳ, Чаманзор, Ғўзал каби турар жой мавзелари вужудга келди. Аҳоли сони ҳам тўрт юз минг кишига яқинлашиб қолди.

Яширишнинг ҳожати йўқ: шаҳар хўжалигида ичимлик суви таъминоти мураккаб муаммолардан бирига айланган. Айрим даҳаларда об-ҳаёт беришни вақти-вақти билан тўхтатиб туришга тўғри кела бошлади. Шунинг учун ҳам вилоят раҳбарияти Наманганни ичимлик суви билан таъминлайдиган йирик янги тармоқ қурилишига киришишга жазм этди. Пойтахтда ҳам бу ташаббус қўллаб-қувватланди.

Шуни ҳам айтиш лозимки, саксонинчи йиллардаёқ Учқўрғон — Наманган сув йўли қурилиши кун тартибига қўйилган эди. Лойиҳалар тайёрланган, ҳатто оз-моз иш бошланган эди ҳам. Бироқ маблағ етишмасдан кейинчалик уни «музлатиб» қўйишга тўғри келганди. Ниҳоят, бултур апрелда ушбу улкан сув тиндиргич иншоотини тиклашга киришилди.

У Учқўрғон шаҳри яқинида, Қизилравот адирликлари орасида қад ростлайди. Бу ерда тошдан-тошга урилиб оқиб келадиган Норин наҳри тўпланади. Тегишли тарзда тозалангач (қуйироқда бу ҳақда алоҳида тўхталамиз), пўлат қувурлар орқали об-ҳаёт вилоят марказига юборилади. Йўл-йўлакай у Уйчи, Чортоқ, Наманган туманларининг қатор аҳоли истиқоматгоҳларини ҳам тоза ичимлик суви билан таъминлаш имкониятига эга бўлади.

— Иншоотнинг миқёсини тасаввур қилиш учун сизга битта рақам айтаман., — дейди суҳбатдошим, вилоят ҳокимининг ўринбосари, ҳудудий коммунал хўжалик бирлашмаси бошлиғи Муҳаммаджон Тожибоев. — Икки йилга яқин муддат ичида тўрт миллиард сўмлик иш бажарилиши лозим. Бу ерда иш куну тун тўхтамайди. Икки ярим-уч мингга яқин бунёдкор иншоот ишга тушадиган муддатни тобора яқинлаштирмоқда.

Муҳаммаджон Тожибоевни вилоятдаги қурувчилар яхши билишади. Меҳнат дафтарчасидаги дастлабки сатрлар оддий гишт терувчилигида битилган. Кейинчалик бригадага етакчилик қилди, институтнинг кечки бўлимида таълим олди. Кўчма жамланмага, трестга раҳбарлик қилди. Кўплаб йирик ишлаб чиқариш, маъмуриймаиший биноларни бунёд этишда қатнашди. Икки йилга яқин вақтдан бери эса аҳолининг кундалик эҳтиёжлари билан боғлиқ йирик тармоққа бош, Учқўрғон — Наманган сув йўли қурилишига етакчиликни ҳам унга ишониб топширишди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари бошқараётган штабни қурилишнинг ўзига хос маркази, дейсиз. Ҳар куни кеч соат бешда уни барпо этаётган ташкилотлар (улар эликка яқин) раҳбарлари тўпланишади. Қурилаётган иншоот маъмурияти бошлиғи Валижон Охунов вазиятни таҳлил қилади. Ўзаро фикр алмашилади, навбатдаги вазифалар белгиланади. Вужудга келган муаммоларни бартараф этиш учун шошилинч чоралар кўрилади.

Менинг ўзим ҳам ушбу штаб йиғилишида икки бор қатнашдим. Қурилиш майдончасидаги каби ишчанлик вазияти ҳукмрон. Албатта, ҳамма ўз ишини билади.

— Лойиҳа Наманганга борадиган ичимлик суви жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган қилиб тузилган, — деб ҳикоя қилади иншоот бош муҳандиси Толибжон Шарипов. — Катта Наманган канали орқали тиндиргичларга тушадиган об-ҳаёт дастлаб лойқасизлантирилади, махсус аралаштирадиган кимёвий модда ёрдамида турли ифлосликлар чўктирилиб юборилади, тозаланади. Қумли фильтрлар эса бегона жисмларнинг заррасига нисбатан ҳам сезгир бўлиб, охирги босқичда тоза сув ҳавзасига кириш учун «рухсатнома» беради.

Дарвоқе, тозалаш технологиясининг анчагина тежамкорлик қилиб ишланганлиги ҳам эътиборли тортади. Масалан, лойқа «кушандаси» — реагент моддалар ўз вазифасини бажаргандан кейин яна қайтариб йиғиб олинади. Бир оз қайта ишлангач, ундан яна фойдаланавериш мумкин...

Юқорида айтганимиздай, сув тиндиргич иншооти қурилиши бошланганига бир йилдан ошди. Бу вақт ичида Қизилравот адирликлари бағрида улкан корхона қад ростлади. Иншоотда ишлайдиганлар учун қурилаётган чоғроқ шаҳарча ҳам кўзга ташланиб қолди. Қатор тиндиргич ҳавзалари синаб кўрила бошланди. Ёрдамчи бинолар фойдаланишга топширилди ҳам. Объектда «Наманганқурилиш» ҳиссадорлик жамияти бош пудратчи ҳисобланса-да, бу жамоага вилоятдаги кўплаб бинокорлик ташилотлари камарбасталик қилмоқда. Айниқса, 1-хўжаликлараро қурилиш трести бўлинмаларининг иши мақтовга лойиқ. Улар бажарган иш аксарият ҳолларда биринчи тақдимдаёқ қабул қилинади. Қурилиш муддатини қисқартириш борасида ҳам юқори кўрсаткичларни шулар қўлга киритишмоқда.

Исмоилжон Абдуллаев юқорида тилга олинган трестнинг 138-механизациялашган кўчма жамланмасида бригада етакчиси. У ўрта махсус маълумотли мутахассис. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда қурилиш техникумини битирган. Ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан каттта тажрибага эга. Билганларини ўз қўл остидагиларига ўргатишдан эринмайди.

— Жамоамизда фақат бирор касб билан кифояланиб қолган бинокор йўқ, — дейди И. Абдуллаев. — Ҳар биримиз камида икки-учтадан турдош жараёнларни ўзлаштирганмиз. Қолаверса, ўзаро ҳамжиҳатлик руҳи барчани бирлаштириб туради. Шунинг учун ҳам ҳеч қачон бизда бекор туришга йўл қўйилмайди.

Айни кунларда ушбу бригада аъзолари учламчи тиндиргич иншоотини тикламоқда. Иминжон Ҳошимов, Муҳаммаджон Мамадалиев, Ҳошимжон Дадабоев каби қурувчилар юксак унум билан меҳнат қилаётирлар. Улардан бошқалар ибрат олишмоқда.

Қурилиш илғорлари ҳақида гап очилар экан, «Зилол сув» ҳиссадорлик лойиҳа-қурилиш фирмаси жамоаси шаънига ҳам илиқ сўзлар айтиш керак. Умуман, бу ташкилот янги сув узатиш тармоқлари қуриш бўйича катта тажриба тўплаган. Куни-кеча бу жамоа аъзолари икки тиндиргич ҳавзасини бир-бири билан улайдиган навбатдаги қувурлар тизимини муддатидан қарийб бир ҳафта илгари фойдаланишга тахт қилиб қўйдилар. Бунга сабаб Собиржон Мамажонов бошлиқ участка, Муродилла Тошхўжаев етакчилигидаги бригада, Расулжон Аҳмедов, Асан Седаметов, Фазлиддин Қосимов каби ишлаб чиқариш илғорлари салмоқли улуш қўшдилар.

Қурилишнинг юксак маромда бораётганлигини автотранспортчилар меҳнатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар барча зарур материаллар ва бошқа юкларни вақтида ташиб бермоқдалар. Вилоятдаги кўплаб автокорхоналарнинг ҳайдовчилари бу муҳим иншоотда ишлашни ўзларига шараф, деб ҳисоблашади. Айниқса, Намангандаги 2523-автожамланма, Тўрақўрғондаги 90-, Учқўрғондаги 38-автокорхоналар ҳайдовчилари бунёдкорлар оғирини енгил, узоғини яқин қилишда ибрат кўрсатмоқдалар.

Шу кунларда Учқўрғон — Наманган сув йўли бош иншооти битиб қолай деди. Энди сув узатгич тармоғи қурилиш бошқармасига ҳам меҳнатда шижоат кўрсатишга имкон туғилмоқда. Вазифа енгил эмас — 37 километрдан зиёд масофага қувур ётқизиш лозим. Л. Судаков бошчилигидаги ушбу жамоага вилоятдаги тажрибали пайвандчилар тўпланган, десак муболаға бўлмас. Чунки пўлат қувурларни бир-бирига улайдиган чоклар ўта пишиқ ва чидамли бўлиши керак.

Биз сув тиндиргич иншоотидан қайтаётганимизда ғиро-шира бўлиб қолганди. Аста-секин осмонда ҳам бир-икки юлдуз милтиллай бошлади. Бу борада улкан қурилиш майдони узра ҳам юзлаб чироқлар порлай бошлади. Улар куни билан «чарчаган» қўёш ўрнини босади. Демак, бунёдкорларнинг иши бир лаҳза тўхтамайди.

Нориннинг мусаффо ва беғубор суви наманганликлар хонадонига кириб борадиган кунларга тобора оз қолмоқда. Улар бу фурсатни интизорлик билан кутмоқдалар.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг Наманган вилояти бўйича ўз мухбири.

Наманган вилоятида «Ўзбекистон овози»нинг янги мухбири иш бошлади. Бугун унинг дастлабки мақоласини эътиборингизга ҳавола қиляпмиз.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 19

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Мураббий».
18.40 Футбол шарҳи.
18.55 Эстрада концерти.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мен буюк юрт ўғлидурман».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида».
22.00 Уйғун. «Ибн Сино». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.40 Эълонлар.
23.45 — 00.10 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Таҳлил».
19.10 «Йўловчи ва транс-порт».
19.40 «Ҳамшаҳарлар».
21.10 — 22.45 «Энди сизни ким деб аташ керак?». Бадиий фильм.

ЎзТВ III
«ОСТАНКИНО» РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ, РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.55 «Тиғиз пайт».
18.15 «Жозефина ёки шуҳратпарастлик комедияси». Телесериал. 9-серия.
19.05 «Эркак ва аёл».
19.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 А. И. Солженицин билан учрашув.
21.00 «Хусусий детектив Нестор Бурманинг саргузаштлари». Телесериал (якунловчи серия).
*
21.45 Телефильм.
21.55 Эълонлар.
22.00 «Вести».
22.25 «Тафсилотлар».
22.35—22.45 Криминал хабарлар экрани.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Дўст билан обод уйинг».
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
*
«ОМАД» таништиради:
20.40 «Жаҳон географияси».
21.30 Эълонлар.
21.40 Видео — «О».
23.20 Эълонлар.
23.25 «Қурьер».
23.35 «... яна об-ҳаво ҳақида».
23.45 — 23.55 «Постфактум».

СЕШАНБА, 20

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Жавоҳирлар маликасига ҳужум». Бадиий фильм.
9.30 Немис тили.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб».
10.30 «Абитуриент-95». Физика.
11.00 «Кашф этилаётган имкониятлар».
11.30 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.
12.00 — 14.00 «Умидлар йили». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
18.45 Телефильм.
18.55 Бастакор Турсун Азимов асарлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Осойишталик посбонлари».
20.10 «XXI аср бўсағасида».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Миллий хавфсизлигимиз кафолати».
22.00 «Бир актёр театри». О. Эргашев. «Она меҳри».
22.50 Эълонлар.
22.55 — 23.20 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
19.00 «Дунё табиати».
19.50 Янгиликлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.40 Видеогид.
21.00 «Теле-ателье-шоу».
21.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.50—23.30 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
«ОСТАНКИНО», РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.30—8.00 «Телетонг».
* * *
17.55 «Тиғиз пайт».
18.15 «Жозефина ёки шуҳратпарастлик комедияси». Телесериал. 10-серия (якунловчи).
19.05 «Мавзу».
19.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 Бадиий фильм.
20.55 «Ча, ча, ча». Кинокомедия (Финляндия, Швеция, 1989 й.).
22.00 «Вести».
22.25 «Тафсилотлар».
22.35 «Жойлардан репортажлар».
22.50—23.45 Тунги телесериал. «Ноқулай аёл». Бадиий фильм. 1-фильм (АҚШ).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Ворлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
19.15 Телефильм.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 «Рангинкамон» (тожик тилида).
21.30 «Файзли уйда». Украина маданий маркази.
22.05 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.15 — 23.00 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.

ЧОРШАНБА, 21

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Болалар учун фильм. «Коинот сири».
9.15 Алифбо сабоқлари.
9.45 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
10.20 «Абитуриент-95». Математика.
10.50 «Аждодлар мероси — хазина».
11.20 Ўзбек куйларидан концерт.
11.50 «Бир ўлкаки...».
12.30 — 14.00 «Маърифат» видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Умид учқунлари».
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 «Буни умр дерлар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Инсон ва қонун».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Кино, кино, кино».
22.20 «Олтин мерос». Ўзбекистон халқ артисти Ғанижон Тошматов.
23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.45 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Ўзим ҳақимда».
19.00 «Шоҳсупа сари».
19.30 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Бумеранг».
21.00 «Янги иқтисод».
21.15 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Галереяда бир оқшом».
21.25 «Тошкент оқшомида».
22.25 — 23.55 «Кинематограф».

ЎзТВ III
«ОСТАНКИНО», РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.30—8.00 «Телетонг».
* * *
18.00 «Тиғиз пайт».
18.20 «Гаройиб костюм». Телевизион бадиий фильм («Грузия-фильм»).
19.05 «Орзу-истаклар фабрикаси».
19.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.45 «Астрология». Лайма Вайкуле.
21.05 «Жаҳон дуконлари».
22.05 «Вести».
22.25 «Тафсилотлар».
22.35—23.30 Тунги телесериал. «Ноқулай аёл». Бадиий фильм. 2-фильм.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Хазинамиз таянчи».
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
*
19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
«ОМАД» таништиради:
20.40 — 23.40 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

ПАЙШАНБА, 22

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Ватандан узоқда». Бадиий фильм.
9.30 «Соғлом авлод учун».
9.50 «Фахрийлар — фахримиз».
10.30 «Абитуриент-95». Она тили ва адабиёт.
11.00 «Буни ҳамма билиши керак».
11.40 Инглиз тили.
12.10 — 14.00 «Ёшлик» видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Сехрли мўйқалам».
18.30 «Булоқлар кўз очганда».
18.55 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мурод Соҳибов куйлайди.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Арзанда эмас, пазанда бўлинг!».
20.20 «Юзма-юз».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Юрт ҳақида қўшиқ». Публицистик кўрсатув.
22.15 «Нигоҳ».
23.15 Эълонлар.
23.20 — 23.45 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Кунгил».
18.40 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.00 «Теле-ателье-шоу».
19.10 Янгиликлар.
19.15 Видео янгиликлари.
19.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.20 — 22.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
«ОСТАНКИНО», РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.30—8.00 «Телетонг».
* * *
17.55 «Тиғиз пайт».
18.25 «Улар Ватан учун жанг қилдилар». Бадиий фильм. 1-серия («Мосфильм», 1975 й.).
19.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Москва, Кремль».
21.05 «Улар Ватан учун жанг қилдилар». Бадиий фильм. 2-серия.
*
22.00 «Вести».
22.25 «Тафсилотлар».
22.35—23.15 Хоккей. Стэнли кубоги. Финал.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Бозор иқтисодиёти сабоқлари».
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Ёшлик» студияси. «Ғазалхон ёшлигим».
20.25 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан».
21.00 «Замандас» (қозоқ тилида).
21.40 «Безнен мирас» (татар тилида).
22.20 — 23.20 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.

ЖУМА, 23

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Муваффақиятга элтувчи йўл». Кинодастур.
8.30 Немис тили.
9.00 «Халқ ижодиёти».
9.30 Болалар учун. «Ёзимиз — соз ўтмоқда».
10.00 «Суянч».
10.30 «Ёшлик» студияси. «Муъжизалар оламида».
11.10 — 13.10 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Ўзбек давлатчилиги тарихи.
18.40 Мусиқий дақиқалар.
18.55 «Ислоҳот ва масъулият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Тараққиёт».
20.15 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳловчилар давраси.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Вақт — ҳакам».
22.15 «Мақом кечаси».
23.15 Эълонлар.
23.20 — 23.45 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.00 «Бу бустон аро...».
19.30 «Билиб қўйган яхши».
19.55 «Саломат бўлинг!».
20.25 «Бизнес-академия».
20.50 «Экология ва ҳаёт».
21.20 — 22.20 «Кинотриада».

ЎзТВ III
«ОСТАНКИНО», РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.30—8.00 «Телетонг».
* * *
18.25 «Ўйин ва эрмаклар». В. Шукшиннинг шу номли ҳикояси асосида қисқа метражли телевизион бадиий фильм («Ленфильм»).
18.50 «Муъжизалар майдони».
19.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.45 Телефильм.
*
21.00 «К-2» таништиради...
21.50 «Автомиг».
22.00 «Вести».
22.25 «Тафсилотлар».
22.35—23.30 «Қизиққон ўнлик».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Ёшлик» студияси. «Ёшлик оқшоми».
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.40 «Тадбиркорлик мактаби».
«ОМАД» таништиради:
21.05 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.30 «Автосалон».
21.50 «Панорама».
22.20 Дэвид Копперфильд. «Афсунгарлик билан 15 йил».
22.45 Эълонлар.
22.50 «Даракчи».
23.00 Эълонлар.
23.05 — 00.45 Видео — «О».

ШАНБА, 24

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Янгроқ қўшиқлар». Бадиий фильм.
9.25 «Ёшлик» студияси. «Онамнинг ўгитлари».
10.05 «Кинокўзгуда акс этган санъат».
10.35 «Алпомиш авлодлари».
10.55 Усмирлар учун. «Уйла! Изла! Топ!».
11.40 «Аньана ва замон».
12.20 «Театр учрашувлари». М. Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят театри.
13.20 «Ғолиблар».
14.00 — 14.40 «Рубобим тори иккидур». Мусиқий кўрсатув.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
18.40 Спорт хабарномаси.
18.50 «Кино ва болалар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ялла ва рақслар».
20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Футбол бўйича Олимпиада ўйинлари саралаш турнири. Ўзбекистон — Қозоғистон терма командалари.
23.00 Эълонлар.
23.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
23.15 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.30 Табиат дунёси.
10.20 Янгиликлар.
10.25 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.10 Видеогид.
11.30 «Теле-ателье-шоу».
11.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.20 «Кинонигоҳ».
14.00 — 18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».
*
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Антенна».
19.40 «Акс-садо».
20.10 «Пульс». Хабарлар.
20.25 «Менинг кучам».
20.40 — 22.10 «Кинематограф».

ЎзТВ III
«ОСТАНКИНО», РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.10 Жан Луи Трентиньян «Эркаклар иши» детективида (Франция).
19.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Кулги панорамаси». Е. Петросян олиб боради.
*
21.25 «Аншлаг».
*
22.00 «Вести».
22.20 «Автомиг».
22.25 — 23.25 «Юлдузлар ёғилганда».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Умид» (уйғур тилида).
10.40 «Ўзбекистон — умумий уйимиз».
11.30 — 13.00 «Ёшлик» студияси. «Талабалар саҳнасида».
***
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Мамлакатлар, одамлар, воқеалар».
19.20 Телефильм.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Жараён».
20.25 «Шалом!»
20.55 «Мусиқий саёҳат».
21.30 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.40 «Бу ажиб дунё».
22.00 — 22.10 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

ЯКШАНБА, 25

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.30 «Шоҳруҳ» клуби.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Имконият излаб».
11.25 «Санъат маскани». М. Уйғур номидаги Санъат институтининг 50 йиллигига.
12.25 — 13.55 «Нурли келажак». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
19.05 «Ойнаи жаҳонда...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 «Гўзал Фарғонам менинг». Мусиқий кўрсатув.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Тимсол» видеоканали.
23.05 Эълонлар.
23.10 — 23.40 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
10.00 «Омад» тақвими.
10.05 «Кунгил».
10.10 «Муҳаббатга ошно қалблар».
10.30 «Теле-ателье-шоу».
10.40 Янгиликлар.
10.45 Видео янгиликлари.
11.05 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.50 — 13.30 «Кинонигоҳ».
***
17.00 «Совға».
17.30 «Жаҳон географияси».
18.20 Эълонлар.
18.25 Видео — «О».
20.05 Эълонлар.
20.10 «Қурьер».
20.30 «...яна об-ҳаво ҳақида».
20.40 «Постфактум».
20.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 «Компьютер-Осиё».
21.40 «Панорама».
22.10 Дэвид Копперфильд. «Афсунгарлик билан 15 йил».
22.45 Эълонлар.
22.50 «Даракчи».
23.00 Эълонлар.
23.05 — 00.45 Видео — «О».

ЎзТВ III
«ОСТАНКИНО», РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 «Юзма-юз». А. Любимов олиб боради.
18.30 «Ардогимиздаги санъаткорлар». «Самоцветы» ансамбли.
19.15 «Ота ва бола Дракула». Даҳшатлар комедияси (Франция).
21.00 «Якшанба».
*
21.50 Телефильм.
*
22.00 «Вести».
22.25 «Автомиг».
22.30 «Ксюша ҳузурида».
23.00 «Давр дарёси».
23.05—00.05 «Тўлин ой».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Аэробика.
9.15 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!» Мультфильм.
9.55 «Жонли сайёра».
10.15 «Менинг кучам».
10.30 «Эртакларнинг сеҳрли оламида».
12.15 — 12.25 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
***
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мамлакатлар, одамлар, воқеалар».
19.10 «Подиум».
19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).
20.00 «Хорижнинг биринчи элчилари».
20.35 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.35 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси».
22.10 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.20 «Бу ажиб дунё».
22.40 — 22.50 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

"ФАРХОД"

ЎЗБЕК-СЛОВАК ҚЎШМА КОРХОНАСИ
қуйидаги насосларнинг кафолат хизмати билан
НАВБАТДАГИ СОТУВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТУРЛАРИ	Q, м³/соат	H, м	P, кВт
CVHU — 0315 (ЭЦВ5 — 6,3-80)	5,4 ÷ 8,6	79 ÷ 43	2,2
CVHU — 0410 (ЭЦВ6 — 10-80)	8 ÷ 13	93 ÷ 65	4
CVBU — 0706 (ЭЦВ8 — 40-60)	25 ÷ 47	74 ÷ 47	9,2
CVBU — 0710 (ЭЦВ8 — 40-100)	25 ÷ 47	126 ÷ 78	15



Насослар алоҳида буюртма бўйича кабель ва "Каскад" ҳимоя қурилмаси билан таъминланади.

Нархлар келишилган ҳолда чегириб белгиланади.

Корхона барча турдаги насосларга таъмирлаш хизматини кўрсатади.

Биз билан узоқ муддатли ҳамкорликни истаган харидорлар учун манзилимиз: 702050. Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Н. Ҳожибоев кўчаси — 1 "А". (Мўлжал: Ал Хоразмий автобекати рўпарасида).

ТЕЛЕФОНЛАР:
ОФИС: (3712) 35-76-09, (3712) 74-04-16, 72-39-52,
Факс: (3712) 34-29-50, (297) 52-499, 52-675.
ЗАВОД:

Божхона бекати

«КЎЧМА МУЗЕЙ» ҚАЙТАРИБ ҚОЛИНДИ

Ишқибозлик ҳам ҳар хил бўларкан. Яқинда 668-»Тошкент— Москва» рейси билан учмоқчи бўлаётган республикамиз фуқароси Г.В.ни ўша ғайритабиий ишқибозлиги абгор қилди. Тошкент аэропортида божхона назоратидан ўтаётганида унинг олазараклиги божхона хизмати нозирларида шубҳа уйғотди. Шунда қора рангли «дипломат»и очиб текширилганда унинг хорижий давлатлар, XIX асрдаги Россия империяси ва собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида бир вақтлар муомалада бўлган ва ҳозир қимматбаҳо, қадимий-маданий ёдгорлик ҳисобланган 1046 турдан иборат пул, қоғоз белгилари, тангалар, кумушдан ясалган заргарлик ва ошхона буюмлари, Хива ва Қўқон хонликлари даврида зарб қилинган тилла тангалар топилди.

Бу «топилдиқ»лар орасида 1320 йилда муомалага чиқарилган Эроннинг пулидан тортиб, Россия империясининг 1892 йилда зарб қилинган тангалари, ҳатто XIX асрда Шарқий Осиё мамлакатларида тайёрланган кумуш буюмларгача бор. Октябрь инқилоби даврида, ундан олдин ва кейин зарб этилиб, муомалага киритилган танга ва қоғоз пуллар сон-саноқсиз. Бу пул ва буюмлар, экспертларнинг берган маълумотларига кўра, 650 минг сўм атрофида баҳоланди. Аслида эса улар бебаҳо ёдгорликдир.

Ноқонуний олиб кетилаётган пул ва буюмлар асл жойи — давлат музейларига қайтарилди.

Пўлат ЖОЗИЛОВ,
божхона хизмати нозири.

"СИНТЕЗ — АФ" ФИРМАСИ

ҲУРМАТЛИ МИЖОЗЛАР ЭЪТИБОРИГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

— айланаси (диаметри) 76 мм, 57 мм, 50 мм, 32 мм бўлган металл қувурлар;
— кальций карбиди;
— Москва шаҳридаги "Пушкинский текстиль" фабрикасида ишлаб чиқарилган юқори ассортиментдаги жун (шерст) газламалар (11 турда);
— Франция парфюмерияси —"Divina" ва "Camelia" атирларини Тошкентдаги омбордан сотади.

Фирмамизга доимий ишлаш учун ўзбек ва рус тилларида эркин сўзлаша оладиган, тижорат тизимида камида икки йил ишлаган маслаҳатчи ҳуқуқшунос керак.

Доимий ва бўлажак мижозларимизга янги манзилимизни маълум қиламиз: Тошкент шаҳри, Ботир Боболев (собиқ Педагогическая) кўчаси, 142-уй. Мўлжал: Педагогика институти ёнида.

ТЕЛЕФОНЛАР:
53-17-56, 53-18-51, 53-19-06, 53-17-27, 53-14-29,
53-14-13, 53-18-33, 53-10-33, 53-14-58, 53-10-45.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ВАЗИРЛИГИ РЕСПУБЛИКА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1995 — 1996 ўқув йили учун ўғил-қизларни
ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича малакали ишчи ходимларни тайёрлайди:
1. Ҳар хил турдаги кийимларни тикувчи (ўғил ва қиз)лар. Ўқиш муддати — 1, 2 йил.
2. Радио-телевизор аппаратларини таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати — 2 йил.
3. Маиший уй-рўзғор электр асбобларини таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати — 1 йил.
4. Соатларни таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати — 1 йил.
5. Оёқ кийимларни тикувчи ва таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати — 1 йил.
6. Тикув машиналарни таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати — 1 йил.
7. Давлат, кичик корхона ва тижорат тизимида ишловчи бухгалтерлар. Ўқиш муддати — 1 йил.

Ўқиш муддати бир йиллик гуруҳларга 11-синфни битирганлар қабул қилинади. Ўқиш муддати икки йиллик гуруҳларга 9-синфни битирганлар қабул қилинади. Билим юртини тугатганларидан сўнг олган ихтисослари бўйича диплом оладилар. Ўқишга қабул қилинганлар стипендия билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш амалиёти даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 фоизи тўланади. Билим юртида ётоқхона, ошхона ва спорт комплекси мавжуд.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:
1. Директор номига ариза.
2. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
3. Туғилганлик ҳақида гувоҳноманинг асл нусхаси
4. 086 формадаги тиббиёт маълумотномаси.
5. Ота-онасининг иш жойидан маълумотнома.
6. Турар-жойидан маълумотнома.
7. Ижтимоий таъминот бўлимларидан йўлланма.
8. Ногирон болалар учун тиббий меҳнат эксперти ҳайъатининг тавсияномаси (ТМЭҲ).
9. 3x4 см. ҳажмли 4 та фотосурат.
10. Папка ва бир дона конверт.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, 700113, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 47-уй.
МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 78-82-72; 78-82-70 (бухгалтерия); 78-80-80.
ТРАНСПОРТ: 4, 9-трамвайлар, 2, 13, 33, 70-автобусларнинг "Кўрлар жамияти" бекати.

ХУЖЖАТЛАР 15 МАЙДАН БОШЛАБ ХАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 16.00 ГАЧА КАБУЛ КИЛИНАДИ.

Шифокор огоҳлантиради

ОҚИБАТИНИ ЎЙЛАНГ

Юқумли касалликлар ичида инсон умри учун ўта хавфли, соғлом кишилар ўртасида тез тарқалиб, эпидемия тус олиши мумкин бўлган касалликлардан бири дифтерия — бўғмадир. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу касталикка қарши чоралар кашф қилинди. Бунда эмлаш яхши натижа берди. Бироқ кейинги пайтда кўпчилик ҳамдўстлик давлатларидан минглаб кишилар бўғмага дучор бўлмоқдалар. Ўзбекистоннинг айрим вилоятларида, Тошкент шаҳрида ҳам кейинги икки йил давомида бир неча ўнлаб кишилар шу касталик билан оғриди. Улар ўтрасида ўлим ҳам содир бўлди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, касалликни вужудга келтирувчи микроблар соғлом кишиларнинг тармоқ безларида сақланиш қобилиятига эга. Бўғма микроблари қисқа вақт ичида кўпая боради. Қон томир деворларига таъсир қилади. Натижада томоқ бези устида ва атрофидаги шиллиқларни оқ парда қоплайди. У яллиғланиши натижасида томоқ бушлиғида шиш пайдо бўлади ва у ҳаво йўлларини торайтиради. Қон томирлари орқали танага шимилаётган токсинлар бутун тананинг заҳарланишига олиб келади. Натижада бемор бадани увушади, ҳарорати кўтарилади. Бошда оғриқ пайдо бўлади. Бўғма нафақат томоқ безларига, ҳатто жинсий аъзо шиллиқ қаватларига ҳам тарқалиши мумкин.

Бўғманинг яна бир клиник тури бу ҳиқилдоқ дифтериясидир. Касталик босқичма-босқич ривож топади. Касалликнинг дастлабки куни яллиғланиш билан намоён бўлса, кейин томоқ сиқилиш (стеноз) ва бунинг оқибатида бўғилиш (асфиксия) даври кечади. Беморда беҳоллик авж олади. Йўтал кучаяди, ҳатто ҳаво ўтмай қолиш ҳолати рўй беради. Бундай аҳволга тушиб қолган беморларга тезда тиббий ёрдам кўрсатилмаса, фожиа билан якунланиш хавфи бор. Бу касталикнинг олдини олишнинг муҳим йўли ўз вақтида эмлатишдир. Шунингдек, ангина билан оғриган кишилар тезда шифокорга мурожаат этишлари тавсия қилинади.

Энг яхшиси, кексалар айтмиш, ҳамма нарсанинг олдини олган фойдалидир.

Шабот ХЎЖАЕВ,
Вирусология институти директори, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.

ТАШКИЛОТ

Тошкент шаҳридаги омбордан сиғими 50 кг. ли полипропилин қопларни пул ўтказиш йўли билан

СОТАДИ.

Телефонлар: 44-23-13, 44-31-36.
Манзилгоҳ: Тошкент, А. Қодирий кўчаси, 7-а уй, 309- хона.

Ўзбекистон-Хитой «СУВЖИҲОЗГАЗ»
қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлаганлигини хабар қилади.

Корхонанинг манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй.

Мурожаат учун телефон: 45-60-03.

ОҚ ХАЛАТЛИЛАР АЙЁМИ

Ҳашаматли «Халқлар Дўстлиги» кошонасига юзларида табассум, қўлларида гул билан кириб келаётган кўркам, байрамона кийинган кексаю ёш, эркагу аёлларга қараб ўйлаб қоласан киши. Булар ҳам бошқалар сингари турмуш ташвишлари билан юришади: қиз чиқариш, ўғил уйлаш, бешик тўйи дегандек... Аммо улар эгниларига оқ халатларини, бошларига оппоқ қалпоқчаларини кийишганда ҳаммалари гўё бир одамга айланишади. Энди уларнинг ўй-ташвишлари битта: инсон саломатлигини муҳофаза қилиш. Мана шу саломатлик посбонларининг касб байрамларига бағишланган тантана куни кеча ўзгача бир файз билан нишонланди.

Дунёдаги энг инсонпарвар касб эгалари, буюк алломалар Беруний, Ибн Сино авлодларини республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўжаев, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов, « Бектемир туман 41-поликлиника маҳалла шифокори Шоира Алиевалар байрамлари билан қутлаб, энг самимий тилакларини билдиришди.

Албатта, байрам совғасиз бўлмайди. Республика соғлиқни сақлаш вазири қарори билан мамлакатимиздаги 170 нафар тиббиёт ходими «Тиббиёт аълочиси» нишони, 150 нафари эса Фахрий ёрлиқ билан мукофотлангани мазкур тантанада таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон санъат усталари ҳам дардга дармон шифокорлар хизматида бўлишди. Зеро, бу кун тиббиёт ходимларини ҳар қанча алқасак арзийди. Фақат холис ниятимиз: уларни инсоф, диёнат, беморни дарддан фориғ қилиш истаги ҳеч қачон тарк этмасин. Шунда у дунёю бу дунёлари обод бўлиб, савоб уларга насиб айлагай...

Умида ФАЙЗИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Эртага — Тиббиёт ходимлари куни

Бемор жони оғриб, шифокорга йўлиққанида бир оғиз ширин сўз унга малҳам, дардига дармон бўлиши мумкин. Моҳинисо Қўчқорова ана шундай хушфъл, ширинкалом шифокорлардан. У Тошкентдаги 5-поликлиникада шифокор бўлиб ишлайди.

СУРАТДА:сизга кулиб боқиб турган бу аёл Моҳинисо Қўчқорова бўладилар.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ЖАРРОҲ ВА ЖАРАЁН, ВУЖУД ЖОН...

Жарроҳлик жараёни асаби бўш кишилар учун томоша саҳнаси бўлолмайди. Кўрмаган одам ўз бурнидан оққан қонни кўрибоқ сесканади. Жарроҳлар эса унақа эмас. Уларнинг нигоҳи қонга қотган. Одам танаси улар учун кўп бора ўқилган ва ёд бўлиб кетган китобга ўхшайди. Жарроҳларни, озгина муболаға билан айтсак, тиғ остида ётган беморлар жонини бир карра олиб, уларга қайтадан жон ато этувчилар десак арзийди. Чунки ўз ихтиёри-ла тиғ остига ётган бемор жарроҳга буткул ишониб, ўз ҳаётини унинг қўлига топширади.

Жарроҳ деганда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1-республика клиник шифохонасининг жарроҳ-шифокорлари — тиббиёт фанлари доктори, профессор, кафедра мудири Маҳмуд Алиев ва эъзозли устознинг шогирди — тиббиёт фанлари номзоди, доцент Комил Ёрмуҳамедов ҳамда муҳтарам домлаларимизнинг издоши — болаларимизнинг даволаш соҳасида дадил илмий изланишлар олиб бораётган ёш табиб Фахриддин Ҳожиматов кўз олдимда намоён бўлади. Уч авлод, уч замон, уч давр, уч дунёқараш вакили тўғрисида «жарроҳлик касбига меҳр қўйганлар» дейилса, муболаға бўлмайди.

Ўйлаб қоласан киши, қандай қилиб жарроҳлик касбига меҳр қўйиш мумкин? Ҳар куни бир неча мартадан одам танасини очиб кўриш... Бу касбга нисбатан меҳр эмас, унга тескари мазмунга эга бўлган сўзни ишлатиш жоиз эмасмикан? Жарроҳлик, ўз хусусиятига кўра, дунёдаги энг қўрқинчли, энг сирли ҳунарлардан бирига яқин эмасми?

— Ташбиҳ қўпол чиқса кечирасиз-у, Маҳмуд ака одам танасининг ички аъзолари сизга рафиқангизнинг чеҳрасидан-да кўпроқ таниш бўлса ажабмас.

— Бир қарашда жарроҳлик совуқ «ҳунар»га ўхшайди. Аслида, одам танаси билан ишловчи жарроҳ қўлларини қалб ва туйғу ҳаракатга келтиради. Жарроҳлик ҳам сиз ёзаётган шеър каби санъат, бошқа нарса эмас. Унда мутлақ қолип, қатъийлашган қоида йўқ. Тўшакда ётган ҳар бир беморнинг ёши, феъли, руҳиятидан келиб чиқиб, ижодий ёндошилади. Ахир жарроҳ лой, тош ёки темир билан эмас, юраги уриб, мияси ишлаб турган тирик инсон билан ишлайди. Унинг ортида ота-онаси, болачақаси, ўтмиш ва келажаги, ўзи билан эса тафаккур ва ҳиссиёти бор.

— Муқаддас китобларимизда зикр этилишича, инсон танасига Тангри таолонинг яратганидан ортиқча бирор бир ўзгартириш киритиш, юмшоқ қилиб айтганда, жудаям маъқул иш эмасмиш...

— Қудсий битикларимизнинг уфқлари сизу бизнинг хаёлотимиздан-да кенгроқ. Аслиятда, бир-икки нарсадан ташқари, ҳеч нима қатъий тақиқланмаган. Инсоният камолотига хизмат қилувчи ҳар нечук кашфиёт, руҳий ва моддий инкишоф марҳаматга сазовордир. Тушунарли бўлсин учун ўтмишимизни, улуғ табибимиз Абу Али ибн Синонинг фаолиятини эсга олайлик. Ахир, ул зот жарроҳ ҳам бўлган-ку! Бу борадаги қатъий тақиқларнинг илдизлари кўҳна Ғарбда инквизация, шарқ тарихида эса жаҳолатнинг салбий оқибатларидан келиб чиқади. Бу кун дунё қиёфаси ғоят тез турланмоқда. Ундан юз ўгириш, ўзгаришларни эътиборга олмаслик, хусусан бизнинг соҳада нохуш ҳолатларга сабаб бўлади. Масалан, саксонинчи йилларнинг охирларидан ривожланган Ғарб мамлакатларида, тўқсонинчи йилларнинг бошларидан эса Русияда ҳам буйрак кўчириш операцияларини одам танасига тиғ теккизмай амалга ошириш борасида муваффақиятли ишлар олиб борилмоқда. Ассосан буйрак, жигар касалликларини даволашга ихтисослашган бизнинг клиникамиздагилар мазкур тажрибаларнинг хулосаларини илмий адабиётларда ўқиб боришади. Дунё тиббиётида шу соҳада олиб борилаётган энг сўнгги янгиликлардан бохабар бўлишга тиришамиз.

— Комил Юсупович, нега сиз жарроҳликдек оғир, масъулиятли, маълум маънода шафқатсизликни талаб қилувчи касбни танлагансиз? Енгилроқ касбни, дейлик, артистликни танласангиз бўлмасмиди?. Жонингизни ҳовучлаб юрмай, қўшиғу ашулалар, ялла айтиб ўз кўнглингизни ўзингиз хушнуд этиб юрардингиз?

— Эсимда, дастлаб жарроҳлик асбоб-анжомларига, қайчи, пичоқ, игна, ип...га қизиқиб қолган эдим. Улар кўзимга сирли, сеҳрли кўринарди. Номлари ҳам қулоғимга ғалати эшитиларди: эндоскоп, пинцет... Бир марта бўлсаям уларни қўлимда ушлаб кўргим келарди. «Қайчи..., игна..., ип... ни узатинг» дейишни ва шу заҳоти улар қўлимга тутқазилишини ҳавас қилардим. Шундан буён кўп сувлар оқиб кетди. Тақдирга тадбир йўқ, деганлари рост экан, чамаси 35 йиллардан буён оқ халат кияман. Урологман. Болаларда буйрак касалликларининг олдини олиш бўйича номзодлик диссертацияни ҳимоя қилдим.

— Энг оғир операциянгизни эслай оласизми?

Жимлик.

— Осони йўқ. Бир гал операция эрталаб соат тўққизда бошланиб, кечқурун соат тўрт яримда тугади. Чунки мураккаб эди. Эртаси куни анча эт ташлаганимни, ориқлаб кетганимни ҳис қилдим.

— Бундай операциялар тез-тез бўлиб турадими?

Яна жимлик. Сўнг:

— Оз десам ёлғонга, кўп десам нолишга ўхшаб кетди, шекилли.

Балки жарроҳлик ҳам ўз хизматчилари учун ҳуморга айланар? Шоир қаламни соғинганидек, жарроҳ тиғни қўмсар?

Йўқ, жарроҳ ҳарбийга ўхшайди, назаримда. Занг чалишса, кечами, кундузми, отланиб хизматга кетаверади. Йўқ, жарроҳ, чиндан ҳам шоирга ўхшайди, назаримда. Тиғни ушласа, қалам тутган шоирдек, илҳоми келаверади. Ишонинг, илҳом жарроҳга бегона эмас.

— Болаларда буйрак-тош касалликлари пайдо бўлишининг сабаби нимада ва унинг олдини олиш учун нималарга аҳамият бериш зарур?

— Бизда шароит иссиқ, тердан тер чиқади. Тош ва туз тўпланишига сабаб бўлувчи моддалар ўз йўлида маълум миқдорда тўпланиб қолади. Боз устига, ичаётганимиз сув, тановул қилаётганимиз табиий неъматлар таркибида айрим ҳолларда кимёвий моддалар миқдори меъёрдагидан анча кўп бўлади. Буйрак-тош касалликларининг олдини олиш учун тез-тез шифокор назоратидан ўтиб туриш лозим. Ўсимликларнинг меваси ва қуритмасидан уй шароитида ҳам ҳар хил ҳайдовчи шарбатлар тайёрлаш мумкин. Бу борада биз тиббиётчилар халқ табобати билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. Клиникамиз фитобарида ҳар хил доривор ва дармондори ичимликлар, шарбатлар тайёрланади.

— Фахриддин Иброҳимович, жарроҳга ўнг қўл кўпроқ керакми, чап қўлми?

Лабини чимиради.

— Жарроҳнинг чап қўли йўқ. Унинг иккала қўли ҳам ўнг. У иккала қўлни ҳам баравар ишлатиш малакасига эга бўлмоғи керак. Чап қўлда бир сатр хат ёзолмаслиги мумкин, бироқ операция пайтида зарур асбобни ишлата олади. Бир қўл чаплиги учунгина масъулият юкидан халос бўлолмайди...

1-республика клиник шифохонасининг нуфузи-ю довруғи — қадимдан. У бир пайтларда, ҳали 16-шаҳар шифохонаси деб юритилган чоғларда имтиёзли, яъни хос кишилар учун хизмат қиларди. У сувлар оқиб кетди. Аммо шифохона ўз довруғ ва нуфузини сақлаб қолди. Малакали, тажрибали мутахассисларини ҳам.

Бу ерда янгидан-янги илмий изланишлар давом этмоқда.

Бу масканга энди мамлакатимизнинг турли жойларидан келиб даволанса бўлади.

Бу ерда ҳам дори-дармон тақчиллиги сезилади.

Бу ерда тўртта палата ўз ҳомийсига эга бўлган беморлар, яъни шифохона ҳисобига кўчириш йўли билан пул ўтказиш имкониятига эга беморлар учун хизмат қилади. Улар энг замонавий жиҳозлар билан жиҳозланган.

Бу ерда беморларга меҳр ва шифо улашаётган шифокорларнинг ўзлари ҳам ҳар биримиз сингари меҳрга муҳтож...

Бу ерда ҳам муаммолар оз эмас. Аммо яхшилар бор жойда муаммоларнинг кучи пасаяди.

Бу ердаги муҳитга нур бағишловчи қўли енгил шифокорлар оз эмас. Мана улар: бўлим бошлиги Дадахон Парсохонов, катта ҳамширалар: Дилдора Жалолова, Зуҳра Ортиқова, Рисолат Ҳамидова... ва бошқалар.

Ўйлаб кўрилса, жарроҳлар чиндан ҳам шоирларга ўхшайдилар. Шоир субҳи содиқни ёзув столи ёнида, жарроҳ эса тонгларни операция хоналарида, жарроҳлик столи ёнида тик туриб кутиб оладилар.

Бу пайтда уларни уй-ўйларида бола-чақаси ва рафиқаси қутаётган бўлади.

Салим АШУР,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Дил изҳори



УСТА ВА КАМЕРА

Студия. Жимлик. Чироқлар ўрнатилган. Ярқираган саҳнада ҳеч ким йўқ. Гўё ҳамма нарса бир зумгагина қотиб қолгандай. Эшик тепасидаги соат ўн биру элликни кўрсатаяпти. Бор-йўғи ўн минут қолди. Кўрсатув бошловчисидан эса дарак йўқ. Икки соатлик жонли кўрсатув иштирокчилари камида бир соат олдин йиғилишлари, матнларни такрорлаб, хато-камчиликларни режиссёр билан муҳокама қилишлари зарур.

Тепада, бошқарув нуқтасида режиссёр юрагини чангаллайди. Асаблари зир қақшаб, ғулдирайди. Чўнтагидан тамаки олади, қоғозга ўрайди, бурқситиб тутатади. Вақт ўтяпти. У ўзини зўрға ушлаб турибди. Икки соатлик кўрсатувнинг эфирга узатилмай қолиши тасаввурига сиғмайди. Телевидениеда тўполон бўлиб кетади...

Тўққиз минут қолди. Уста ўрнидан шахт туради. Ич-ичидан оғриқ туяди. Бошқарув хонаси ойнасидан пастга, студияга мўлтираб қарайди. Ёнидаги ассистентларга кўрсатув белгиси, таҳририят бошламасини тайёрлаб туришни буюради. Ўзи у ёқдан-бу ёққа безовталаниб юра бошлайди. Тағин тутатади. Бошқарув нуқтасига телемарказдан қўнғироқ: «Уста ака! Тайёр туринг»... Уста ака базўр: «Тайёр... тайёр», дейди.

Кўрсатув олти минутдан сўнг бошланади. Уста ака телефонга ёпишади... Қўнғироқ бошловчининг хонасига: «Қани у, чиқиб кетди?? Қаерга... кўрсатув... ахир беш минут қолди... Бу қанақаси? .. Топинглар! Топинглар! Тезроқ топинглар!» Уста ака телефон гўшагини ташлаб пастга, студияга югуради. Аъзойи баданини тер босиб, қалтироқ тутади. Студия. Чироқлар порлаган... Жимлик. Бошловчи, чиройли қизнинг ўрни бўш...

Тўрт минут вақт қолди. Уста студия четидаги пианинога беҳол суянади. Чекиш мумкин эмас бу ерда. Оғриқ, ички оғриқ... Эшик тепасидаги соатга қарайди... ўн биридан эллик етти минут ўтди. Бор-йўғи уч минут... У кўзларини чирт юмиб олади. Студиядаги тасвирчиларга ҳам безовталик кўчади. Саҳнага ваҳм оралайди. Дастурда кўрсатилган икки соатлик кўрсатувнинг эфирга чиқмаслиги даҳшат...

Ўн биридан эллик саккиз минут... ва эшик очилиб, чиройли қиз кириб келади. У камералар тўғриланган ўриндиққа бориб жойлашади. Уста туйқус абжирлик билан юқорига югуради. Зинапоялардан ҳатлаб-ҳатлаб баландлайди. Бошқарув хонасига йигитларга хос чаққонлик билан кириб, босув - нуқта мосламаси қаршисига ўтиради... Ва режиссёрга хос буйруқ янграйди...

— Яхши кайфият, қизим! Кулиб тур! Ҳеч ким йўқ. Ҳаммаси жойида бўлади. Ҳозир бошлаймиз.... Диққат! Диққат! Заставка! Титр! Бошладик!!!

Студия жонланади. Бошловчи қизнинг экран ортидан ним табассум чеҳраси, тим қора, порлоқ қароқларидан нур ёғилади. Миллионлаб хонадонларга тароват ва назокат олиб кираётган дикторнинг қўнғироқдек овози мафтун этади.

— Ассалому алайкум, азиз юртдошлар! Сиёсий-ижтимоий кўрсатувлар таҳририятининг «Умидлар йили» деб номланган видеоканали яна эфирда...

Уста ака қарийб қирқ йилдан бери Ўзбекистон телевидениеси тупроғини ялайди. Бу вақт мобайнида у кўплаб режиссёрлар, тележурналистлар билан бирга ишлади. Керак пайтда ўрганди, улуғ кишилар тажрибасидан сабоқ чиқарди, иқтидорсизларга ачинди. Ижодда ёлғон аралашмаслиги керак — тўғрисини гапирди: яхши асар учун суюнди, савиясизлик қошида доимо куйинди. Режиссёрлик фаолиятининг дастлабки босқичи дунёнинг машҳур киноюлдузлари ҳақида туркум кўрсатувлар тайёрлаш билан бошланди. Чарли Чаплин, Мартинов, Вера Марецкая сингари санъат оламининг буюклари ҳаёти ҳақидаги тасвирлар 60-йилларда ўзбек хонадонига кириб келди. Таниқли кинооператор Наби Ғаниев ҳақида дастлабки кўрсатувлардан бирини яратди. 1966 йилда эса ёзувчи Мажид Шамхаловнинг «Қайнона» асари асосида саккиз кўринишли телеспектакль тайёрлади. Худди ўша йиллари «Олтин водий», «Инсон ва замин», «Сиҳат-саломатлик»сингари элга манзур тележурналларни эфирга узатди. Шу жумладан, 60—70 йиллар ижтимоий ҳаётидаги воқеа-ҳодисалар, янгиликлар, қурултойларни тасвирга туширди. Уста ака 1963 йилдан бошлаб қозоқ тилида намойиш этилган кўрсатувларнинг биринчи режиссёри ҳамдир.

Ўзбекистон телевидениеси тарихида биринчи марта 1976 йили Тошкент — Урганч телекўприги очилди. Урганч орқали Тошкентга тасвир узатилди. Тажрибали режиссёр Уста ака — Мирсодиқ ота Устабобоев Урганчда, унинг ҳамкасби Аҳмаджон ака Иброҳимов эса Тошкентда туриб техник жиҳатдан мукаммал кўрсатув тайёрлашди. Ҳозирги кунда сиёсий-ижтимоий кўрсатувлар томонидан эфирга берилаётган «Ватанни севмак иймондандир», «Инсон ва қонун», «Мен ва дунё» сингари қизиқарли кўрсатувларга режиссёрлик қиляпти. Мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги туб бурилишлар, ислоҳотлар, Президентимиз томонидан чиқарилаётган Фармонлар ижроси, Олий Мажлис залидан узатилаётган сессиялар тасвири ҳам Уста ака зиммасида.

... Бир куни Уста ака билан Жиззах вилоятидан тасвирга олиб келган лавҳаларим устида ишлаб ўтиргандик. Фермерчилик авжга чиққан. Ҳамма жойда фермерлар кўкларга кўтариляпти. Мен ҳам фермер ҳаётидан лавҳа тайёрлаб шу соҳани мақтаб қайтдим,

Уста ака диққат билан тасвирни кузатяпти...

— Нима бу? — деди ниҳоят.

— Лавҳа...

— Кўряпман, лавҳа. Фермерни боплабсиз-ку.

— Нега?

— Қаранг... Молхона, моллар» ем-хашак ғарами...

Фермер ишлаяпти. Бу яхши. Мақтабсиз. Лекин ем-хашак устида товуқлар юрибди-ку.

— Нима қипти... Ҳаётий-ку, — дейман.

— Тўғри, ҳаётий. Сиз фермерни бу ерда мақтай олмабсиз. Танқид қилибсиз.

— Нега? — дейман ҳайрон бўлиб.

— Ахир ем-хашак устида товуқ юрса, албатта у... кейин моллар касалга чалинади, Ўлиши ҳам мумкин. Мен жим қоламан. Лавҳадан воз кечаман. Ҳа, ҳақиқий режиссёр гоҳида камера билан ҳам «чиқишолмайди». Уста ака баъзида камеранинг «хато»сини топа олади. Нигоҳи ўткир режиссёр у... Буни нафақат мен, балки Тамара Маҳкамова, Мирзоҳид Раҳимов, Ҳасан Мирбобоев, Ғайрат Шокиров, Саидносир Ҳусанов сингари шогирдлари ҳам тан олишади.

Соат кундузи ўн учдан эллик тўққиз минут ўтди. Студия чироқлари порлаган. Ўриндиқда хушрўй бошловчи синглимиз табассум билан сўзлайди:

— Азиз дўстлар! Шундай қилиб «Умидлар йили» деб номланган видеоканалимиз ниҳоясига етди. Кейинги кўрсатув орқали дийдор кўришгунча сизга омонлик, хонадонингизга бахт-саодат тилаймиз. Хайр, азизлар!

Бошқарув нуқтасида эфирни кузатаётган Уста ака олтмиш ёшини ўша ерда қаршилаб енгил тин олади.

Хайрият...

Кўчқор НОРҚОБИЛ.

Ажаб савдолар

ЧЎЛИ БОБО ҲАММОМ ИЗЛАДИ

Жиззах вилоятидаги Дўстлик туманида 50 мингга яқин аҳоли яшайди. Шундай катта туманда бирорта ҳаммом ишламайди. Аввалги йилларда чўлқуварларга бинойидай хизмат кўрсатиб турган Дўстлик шаҳридаги ягона ҳаммом кимгадир хусусийлаштирилиб берилгач, фаолиятини тўхтатди. Қарийб ярим йилдан буён эшигига қулф осиғлик. Туман халқи ҳаммомда ювиниш учун 60-70 чақирим йўл босиб, Жиззах ёки Жеттисой шаҳарларига боришга мажбур бўлмоқдалар.

Дўстлик деган шаҳарга,
Чўли бобо йўл олди.
Ҳаммом-паммом қилай-да,
Олдирай деб соқолди.

Чаққон экан сартарош,
Айтиб қўшиқ-яллани,
Қилди пўстсиз тухумдай,
Чака билан каллани.

Бошни силаб бобомиз,
Кулиб-кулиб қўяди.
Енгил тортиб ўзини,
Яшаргандай туяди.

Сўнг бозорни айланиб,
Кампирига зар олди.
Нархи чақиб турса ҳам,
Неварага шар олди.

Қолди яни бир юмуш.
Ювинади мириқиб.
Баданлари чанг-чунгдан,
Кетган обдон димиқиб.

Бир кўчага бош тиқиб,
Чиқди нарги кўчадан.
Ҳаммом қайда, курсатинг
Деб сўради нечадан.

Излаб-излаб топди-ю,
Ҳафсаласи пир бўлди.
Эшигида катта қулф,
Бундан қўнгил кир бўлди.

Бошқа ҳаммом йўқ экан,
На шаҳарда, қишлоқда.
Кузда пахта пулидан,
Ювинади Жиззахда.

Уйга қайтди бу ҳолни,
Қилмайин деб ноғора.
Раҳбарларда ҳаммом бор,
Бизга басдир тоғора!

Чўли бобони уйига кузатган:
Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Матбаа

«ХАЗОРАСПНОМА» — 60 ЁШДА

Хоразм вилоятининг кекса матбуот нашриларидан бири, халқ депутатлари Хазорасп туман кенгаши туман ҳокимлиги газетаси «Хазорасп»ма» 60 ёшга тўлди.

Газета Ўзбекистонимизнинг ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тотувлиги, умуминсоний, миллий қадриятларни қарор топтиришга қаратилган ички ва ташқи сиёсатни ҳар томонлама ишонарли тарзда ёритиш, шунингдек, ХДП туман ташкилотлари муаммоларини халққа етказишда баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда. Кейинги йилларда газетанинг мавзу қамрови кенгайди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлаш, бозор иқтисодига ўтиш, тадбиркорликни ривожлантириш, миллий қадриятларни тиклаш масалаларига кенг эътибор берилмоқда.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Футбол

ДОВОН ОЛДИДА

Мамлакат миллий чемпионатининг дастлабки давраси ўйинларининг якунланишига саноқли кунлар қолди.

Ҳар бир жамоа оралиқ маррага мавқеини мустаҳкамлаган ҳолда етишга , очколарини бойитиб, мухлисларни қувонтиришга ҳаракат қилмоқда. Зотан, оралиқ маррагача жамоалар яна уч мартадан майдонга тушишлари лозим бўлсада, ўйинлар жадвалида катта ўзгаришлар кутилмяпти. Хусусан, 12-турдан кечиктирилган учрашув натижасидан кейин ҳам жамоалар мавқеида деярли ўзгариш бўлмади.

Учрашувларда эса қуйидаги ҳисоблар қайд этилди: «Нефтчи» — «Янгиер» — 4:2, МҲСК — «Трактор» — 4:1, «Темирйўлчи» — «Пахтакор» — 1:2. Ана шу учрашувлардан кейин МҲСК жамоаси бир поғона юқорига кўтарилди. Лекин кучли олтиликдан жой олиб турган жамоалар пешқадамликни орзу қилмай, иккинчи ўринни эгаллаш билан довон ошишга интилишлари табиий. Ёки «Нефтчи» дорда қолармикин? Жумладан, пахтакорчилар ҳам имкониятларидан етарли фойдаланишса мухлисларни қувонтиришлари турган гап. Пахтакорчилар «Суғдиёна» билан динамочиларни қабул қилиб, «Политотдел» майдонида меҳмон бўлишади. «Нурафшон» эса «Атласчи» жамоасини қабул қилиб, «Чирчиқ» ва «Янгиер»га йўл олади. МҲСК жамоасининг ҳам имкониятлари етарли. Армиячилар АСК майдонида ўйнаб, «Навруз»ни қабул қилишади. Кейин «Янгиер» футболчиларининг меҳмони буладилар. «Навбаҳор» футболчилари ҳам фахрли ўринлардан бирига даъвогар. Бу жамоа «Навруз» ва «Атласчи» майдонларида ўйнаб, «Янгиер»ни қабул қилади. Мухлислар мамлакат чемпионлари — «Нефтчи» жамоасини карвонбоши сифатида довон ошиши аниқ дейишмоқда. Фарғоналиклар «Чирчиқ» футболчиларини қабул қилиб, «Машъал» ва «Атласчи» майдонида куч синашадилар. Қуриниб турибдики, оралиқ маррагача қолган учрашувлар қизғин ва муросасиз баҳсга айланади. Бугун эса жамоалар 13-тур ўйинларини бошлайдилар.

ЮГУРГАННИКИ ЭМАС...

Москвада бўлиб ўтган «Кремль курантлари» соврини учун мусобақада қизиқ воқеа юз берди. Жаҳон чемпиони Гарри Каспаров ўз йўлида маълум миқдорда тўпланиб қолади. Боз устига, ичаётганимиз сув, тановул қилаётганимиз табиий неъматлар таркибида айрим ҳолларда кимёвий моддалар миқдори меъёрдагидан анча кўп бўлади. Буйрак-тош касалликларининг олдини олиш учун тез-тез шифокор назоратидан ўтиб туриш лозим. Ўсимликларнинг меваси ва қуритмасидан уй шароитида ҳам ҳар хил ҳайдовчи шарбатлар тайёрлаш мумкин. Бу борада биз тиббиётчилар халқ табобати билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. Клиникамиз фитобарида ҳар хил доривор ва дармондори ичимликлар, шарбатлар тайёрланади.

— Фахриддин Иброҳимович, жарроҳга ўнг қўл кўпроқ керакми, чап қўлми?

Лабини чимиради.

— Жарроҳнинг чап қўли йўқ. Унинг иккала қўли ҳам ўнг. У иккала қўлни ҳам баравар ишлатиш малакасига эга бўлмоғи керак. Чап қўлда бир сатр хат ёзолмаслиги мумкин, бироқ операция пайтида зарур асбобни ишлата олади. Бир қўл чаплиги учунгина масъулият юкидан халос бўлолмайди...

1-республика клиник шифохонасининг нуфузи-ю довруғи — қадимдан. У бир пайтларда, ҳали 16-шаҳар шифохонаси деб юритилган чоғларда имтиёзли, яъни хос кишилар учун хизмат қиларди. У сувлар оқиб кетди. Аммо шифохона ўз довруғ ва нуфузини сақлаб қолди. Малакали, тажрибали мутахассисларини ҳам.

Бу ерда янгидан-янги илмий изланишлар давом этмоқда.

Бу масканга энди мамлакатимизнинг турли жойларидан келиб даволанса бўлади.

Бу ерда ҳам дори-дармон тақчиллиги сезилади.

Бу ерда тўртта палата ўз ҳомийсига эга бўлган беморлар, яъни шифохона ҳисобига кўчириш йўли билан пул ўтказиш имкониятига эга беморлар учун хизмат қилади. Улар энг замонавий жиҳозлар билан жиҳозланган.

Бу ерда беморларга меҳр ва шифо улашаётган шифокорларнинг ўзлари ҳам ҳар биримиз сингари меҳрга муҳтож...

Бу ерда ҳам муаммолар оз эмас. Аммо яхшилар бор жойда муаммоларнинг кучи пасаяди.

Бу ердаги муҳитга нур бағишловчи қўли енгил шифокорлар оз эмас. Мана улар: бўлим бошлиги Дадахон Парсохонов, катта ҳамширалар: Дилдора Жалолова, Зуҳра Ортиқова, Рисолат Ҳамидова... ва бошқалар.

Ўйлаб кўрилса, жарроҳлар чиндан ҳам шоирларга ўхшайдилар. Шоир субҳи содиқни ёзув столи ёнида, жарроҳ эса тонгларни операция хоналарида, жарроҳлик столи ёнида тик туриб кутиб оладилар.

Бу пайтда уларни уй-ўйларида бола-чақаси ва рафиқаси қутаётган бўлади.

Салим АШУР,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

Ўйинлар жадвали

	Ю	Д	М	Т	О
«Нефтчи»	9	2	1	33-12	29
«Нурафшон»	8	1	3	28-17	25
МҲСК	7	3	2	25-9	24
«Навбаҳор»	7	3	2	16-8	24
«Пахтакор»	6	4	2	22-11	22
«Навруз»	5	3	4	15-11	18
«Суғдиёна»	5	2	5	22-15	17
«Янгиер»	4	3	5	17-14	15
«Атласчи»	4	3	5	12-19	15
«Трактор»	3	4	5	9-14	13
«Темирйўлчи»	4	0	8	9-23	12
АСК	3	3	6	15-25	12
«Динамо»	3	3	6	6-17	12
«Машъал»	2	4	6	7-21	10
«Политотдел»	2	3	7	15-26	9
«Чирчиқ»	1	5	6	7-16	8

ОЛТИНЧИ ГРОССМЕЙСТЕРИМИЗ

Мамлакат икки бор чемпиони Михаил Салтаев ўз даражасини янада юксакроққа кўтариш йўлида изланиб, ниҳоят ниятига етди. У кейинги ойларда Греция ва Россия шахмат федерацияларида ўтказилган йирик мусобақаларда ғолиб келиб, уч марта гроссмейстерлик унвонини олиш учун белгиланган талабларни адо этди. ФИДЕ унга энг юксак шахмат унвонини бериши муқаррар. М. Салтаев олтинчи гроссмейстеримиз бўлади.

ЯНГИ САРДОРЛАР

Республика навбатдаги чемпионатлари бир вақтнинг ўзида ўтказилди. Эркаклар ўртасидаги юбилей 60-чемпионатининг тўлақонли ўтишида айрим етакчи шахматчиларимиз ва уларнинг устози С. Пинчукнинг «хурмача қилиқ»лари андек гашга тегди. Ҳусусан, ўзбошимчалик уларни кейинги босқич баҳсларидан четлаштирди. Икки ҳафталик қизғин курашлар оқибатида тўққиз имкониятдан 7,5 очко жамғарган самарқандлик халқаро мастер Шуҳрат Сафин биринчи ўринни, бинобарин, чемпионликни қўлга киритди. Унинг ҳамшаҳри халқаро мастер Тоҳир Воҳидов иккинчи, халқаро мастер Владимир Егин, республика экс-чемпиони Сайдали Йўлдошев учинчи ва тўртинчи ўринларни баҳам кўрдилар. Шу тўрт вакилимиз яқин орада Тошкентда ўйналадиган жаҳон биринчилиги саралаш мусобақаси — минтақавий турнирда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Аёллар 53-чемпионатида халқаро мастер Ольга Ким учинчи марта чемпион бўлди. Мамлакат экс-чемпиони Рена Мамедова билан спорт усталигига номзод Анжела Хегай иккинчи ва учинчи, самарқандлик Мавжуда Ҳамроқулова тўртинчи совриндор бўлишди. Улар ҳинд гроссмейстери В. Анандга имкониятни бой бериб, финалга чиқолмай қолди. Финалда эса Анандниг ҳам омади келмади. Уни ютиб чиққан львовлик гроссмейстер В. Иванчук бош соврин соҳиби бўлди.

Орадан кўп ўтмай Новгородда яна бир халқаро мусобақа ўтказилди. Якунловчи баҳслар матч усулида бўлиб энг кўп очко жамғарган Г. Каспаров бош совринни қўлга киритди.

ОЛТИНЧИ ГРОССМЕЙСТЕРИМИЗ

Мамлакат икки бор чемпиони Михаил Салтаев ўз даражасини янада юксакроққа кўтариш йўлида изланиб, ниҳоят ниятига етди. У кейинги ойларда Греция ва Россия шахмат федерацияларида ўтказилган йирик мусобақаларда ғолиб келиб, уч марта гроссмейстерлик унвонини олиш учун белгиланган талабларни адо этди. ФИДЕ унга энг юксак шахмат унвонини бериши муқаррар. М. Салтаев олтинчи гроссмейстеримиз бўлади.

ЯНГИ САРДОРЛАР

Республика навбатдаги чемпионатлари бир вақтнинг ўзида ўтказилди. Эркаклар ўртасидаги юбилей 60-чемпионатининг тўлақонли ўтишида айрим етакчи шахматчиларимиз ва уларнинг устози С. Пинчукнинг «хурмача қилиқ»лари андек гашга тегди. Ҳусусан, ўзбошимчалик уларни кейинги босқич баҳсларидан четлаштирди. Икки ҳафталик қизғин курашлар оқибатида тўққиз имкониятдан 7,5 очко жамғарган самарқандлик халқаро мастер Шуҳрат Сафин биринчи ўринни, бинобарин, чемпионликни қўлга киритди. Унинг ҳамшаҳри халқаро мастер Тоҳир Воҳидов иккинчи, халқаро мастер Владимир Егин, республика экс-чемпиони Сайдали Йўлдошев учинчи ва тўртинчи ўринларни баҳам кўрдилар. Шу тўрт вакилимиз яқин орада Тошкентда ўйналадиган жаҳон биринчилиги саралаш мусобақаси — минтақавий турнирда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Аёллар 53-чемпионатида халқаро мастер Ольга Ким учинчи марта чемпион бўлди. Мамлакат экс-чемпиони Рена Мамедова билан спорт усталигига номзод Анжела Хегай иккинчи ва учинчи, самарқандлик Мавжуда Ҳамроқулова тўртинчи совриндор бўлишди. Улар

Шатранж оламида

жаҳон биринчилиги минтақавий турнирига йўлланма олдилар. Ҳар иккала турнир ғолиблари қимматбаҳо буюмлар билан тақдирландилар.

МАҲОРАТИ ОШИБ БОРМОҚДА

Мамлакат чемпиони Шуҳрат Сафин Бошқирдистонда Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган мусобақада бош совринни қўлга киритди. Бу ҳам етакчи шахматчиларимизни маҳоратлари ошиб бораётганидан нишона.

16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон биринчилигида сурхондарёлик ўқувчи Бегали Саидов қатнашадиган бўлди. Иқтидорли бу шахматчимиз яқинда республика танловида ҳам мутлақ ғолиб бўлди. Мамлакат экс-ч